Tabani GROUP OF COMPANIES





*Кишанларинг занг босгандир,*
*сергак бўлкин, узулур...*

**ЧЎЛПОН**

**СУНБУЛАНИНГ ДАСТЛАБКИ КУНЛАРИ.** Хаста Орол соҳиллари-ю, оқсоч Тянь-Шань водийлари, Ҳайратон кўпригининг темир устунларига бош ураётган Амунинг бўтана тўлқинлари-ю, қадим Шош узра «Мустақиллик қутлуғ бўлсин! Истиқлол муборак!» деган шодиёна табригу қичқириқлар учиб юрган пайт. Улфатлар издиҳомида шу хусусда қувонч билдирилар экан, бир дўстимиз бепарво товушда:

— Ҳеч қачон мустақиллик қоғозда эълон қилиниб, мажлисда бериладими? — дея сўз қотди. — Мустақиллик ўз қонуний ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб кўча ва майдонларга чиққан, шу олий мақсад йўлида жон фидо қилган халқнинг зўр кураши туфайлигина йиртқич чангалларидан юлиб олинади! Истиқлол йўлида Болтиқбўйи, Кавказорти халқлари кўрсатган матонат, жасорат ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Биз эса...— у қўл силтади.

Даврага нохуш сукунат чўкди. Мен ношукур дўстимиз билан баҳслашишга тутундим.

Тўғриси, мустақиллик эълон қилган Ўзбекистоннинг илк қадамлари ҳақида ҳар хил гаплар айтилди. Марказий матбуот эса бу мустақилликка халқнинг алоқаси йўқ, уни август воқеалари туфайли марказда бошланган саросималикдан фойдаланиб, бир гуруҳ раҳбарлар, яна ҳам аниқроғи, Президент Каримов эълон қилди, дея шов-шув кўтарди. Истиқлол пайти «Халқ сукут сақлар эди» дея Пушкиндан олинган жумлани республикадаги вазиятга муқояса этди. В. Вижутович «Известия»да «Борис Годунов» фожиасида ишлатилган, рус тарихи ва адабиётида машҳур бу жумла ҳукмронларнинг халқ хоҳиши билан ҳисоблашмай сиёсий тузум ёки тож эгасини ўзгартиришлари, сиёсатда халқ фақат томошабин ролида иштирок этишини билдиради. Айрим ўзбек зиёлилари истиқлолнинг «жуда осон» қўлга киритилганлиги ҳақида такаббурона фикр юритишди. Ҳозир ҳам баъзан «мустақилликни халқ англаб етгани йўқ» қабилидаги нолишларни эшитиб қоламиз.

Мустақилликка интилиш айниқса XX асрда жуда катта сиёсий ҳаракатга айланди. XX аср тарихида миллий мустақилликка интилишнинг ўнлаб ёш давлатлар мисолидаги порлоқ намуналари бор. Уларнинг аксарияти қаҳрамон Жазоир, жафокаш Вьетнам сингари йиллар давомида олиб борилган қуролли кураш, минглаб қурбонлар эвазига босқинчиларни ўз муқаддас тупроқларидан ҳайдаб чиқардилар. «Не ажаб ва не фожеаки, — дея ҳайрат ила қайд этган эди Африка истиқлол ҳаракатининг буюк намояндаси, Анголанинг биринчи президенти Агостиньо Нето, — мустақиллик ниҳоли ўтказилган тупроқ ҳамиша қон билан намланади...»

Ўзбек халқи 1991 йил 31 август кунига етиб келгунига қадар не-не жафоларни чекмади! Миллатимизнинг минглаб энг жасур, эрксевар ўғил-қизлари мустақиллик йўлида қурбон бўлдилар. Ўтган 130 йил давомида қуллик занжирларини узиб ташлаб, озодлик дея аталмиш буюк неъматни қўлга киритиш орзуси миллат онгини бир дақиқа ҳам тарк этгани йўқ. Бу мақсад йўлида кураш ҳам тўхтамаган. Бунга Дукчи эшон, Мадаминбек, Иброҳимбеклар тақдири гувоҳ, бунга мустабидлик кундасига боши қўйилган Фитрату Чўлпонлар, минглаб бошқа тақдирлар гувоҳ...

Аммо дўстим яна бошини чайқайди.

— Улар ҳаммаси ўтмиш эди. 31 августни эса бизга Ельцин, рус демократлари инъом этдилар...

**ЮЗАКИ ҚАРАГАНДА, ДЎСТИМНИНГ ЭЪТИРОЗИДА** жон бордай туюлади. Дарҳақиқат, иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Ўзбекистонда миллий озодлик ҳаракати Болтиқбўйи, Украина ёки Грузияда рўй берганидек бўртиб кўринмаган. Уларда 40—50-йиллардаёқ ўз халқи озодлиги учун курашчилар сиёсат майдонига дадил чиққан эдилар. Мераб Костава, Звиад Гамсахурдия, Владимир Черновиль каби ўнлаб миллатпарварлар ўз эътиқодлари, мустақилликка интилганлари учун совет империяси зиндонларида азоб чекдилар. Болтиқбўйи, Кавказ ва Украинада ватан мустақиллиги ғояси байроғини кўтарган гуруҳлар фаолият олиб борди. Узоқ йиллар халқ назаридан пинҳон тутилган ўша қаҳрамонларни, тоталитар тузумга қарши курашга ўзларини бағишлаган рус демократларини яхши биламиз.

Четдан қараганда, Ўзбекистон ва умуман Ўрта Осиёнинг урушдан кейинги тарихида бундай ҳодисаларга дуч келмайсиз. Унинг расмий тарихида урушдан кейин эгизак беш йилликлар бир-бирини қувади. Канал кетидан канал қазилиб, чўл гулистонга, қир чаманзорга айланаверади. Пахта хирмонлари ёмғирдан кейинги қўзиқоринлардек Ўзбекистон ҳудудида тўхтовсиз кўпаяверади. Партия этагидан маҳкам тутган бахтиёр халқ эса олис уфқдаги сўнгги манзил — коммунизм сари интилиб чарчамайди...

Лекин бу аслида Ўзбекистон ҳаётини худди шу тарзда жаҳонга, Осиё ва Африка халқларига кўрсатишни хоҳловчилар ясаган декорация, ташвиқий ниқоб эди холос. Халқ ҳақиқий аҳволни яхши англар, Ўзбекистон аслида мустамлака эканлигини тушунар ва бу ҳол қадимий, буюк халқнинг миллий ғурурини камситарди. Оқибатда гоҳ у, гоҳ бу тарзда норозилик учқунлари ҳам чақнаб турарди. Урушдан кейинги йилларда ҳам қўлида қурол билан ёки турли гуруҳлар тузиш, халқ орасида ташвиқот олиб бориш йўли билан совет империясига қарши курашган кишилар Ўзбекистонда кўп бўлган. 1948—1950 йиллар орасида ҳозирги Фарғона райони ҳудудида Қўчқор Норқобилов бошчилигидаги гуруҳ ҳаракат қилди. Қўчқор оддий ўғри эмас эди. У маҳаллий амалдорлар, мустамлака тузуми маъмурларига қарши қўлида қурол билан курашган эди. Расмий ҳужжатларда «сўнгги босмачи» дея таърифланган бу одам 50-йиллар бошларида ҳалок бўлди.

Туркистонда миллий озодлик ҳаракати кўпинча диний ҳаракат тарзида юзага чиққани маълум. 1960 йили Фарғона вилоят суди Ҳотамхон Эшон бошчилигидаги «Сочли эшонлар» гуруҳи ишини кўриб чиқди. Шу иш юзасидан 30 киши судланди. Гуруҳ йўлбошчиси отиб ўлдиришга, қолганлари эса узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм этилдилар. Ҳозирги пайтда мен шу гуруҳ фаолияти, уларнинг дастурий мақсади, ҳаракатлари тафсилотларини ўрганаяпман. Айрим ҳужжатлар, ўша пайтда шу иш юзасидан тергов ўтказган органнинг собиқ ходими берган маълумотларга кўра сафига юзлаб кишиларни жипслаштирган бу гуруҳ оддий диний секта эмас экан. Гуруҳ бошлиғи соч қўйиб юргани учун «Сочли эшон» деб аталган. Унинг муридлари нафақат Фарғона водийси, балки Ўрта Осиёнинг бошқа кўплаб шаҳар ва қишлоқларида фаолият кўрсатишди. Бу гуруҳга мансуб кишилар ўз олдиларига Ўзбекистонни Россиядан ажратиб олиш, Туркистонда ислом динининг мавқеини тиклаш мақсадини қўйганлар ва шу йўлда кураш олиб борганлар!

1964 йили Фарғона шаҳрида маҳаллий миллат ёшлари ўртасида сезиларли ғалаёнлар бўлиб ўтди. 1968 йилги Тошкент воқеалари-чи? Шаҳар аҳолиси орасида Оврупо миллатлари вакилларининг беҳад кўпайиб кетаётганидан ташвишга тушган, ўз миллати шарафини қай йўсиндадир ҳимоя этиш учун қилмаганмиди ёшлар ўша ишларни? Тўғри, улар тажрибасиз, ғўр ва ҳиссиётга берилган эдилар. Аммо 1968 йил ёзида, Тошкент марказида юз берган тўполонларнинг ижтимоий-сиёсий моҳияти ҳали ҳам тўла очиб берилгани йўқ.

**ОЛТМИШИНЧИ ЙИЛЛАР** охирларидан бошлаб Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларида ҳукмрон идеологияга зид бир ҳаракат — ёшларга эски ўзбек ёзуви, ислом дини асосларини ўргатиш, ёш авлодда қадимий анъана, урф-одатларимизга садоқат ҳиссини шакллантириш учун кураш бошланди. Бу миллатнинг онгидан ўтмиш билан ҳар қандай алоқани узиб ташлашга қаратилган коммунистик мафкурага қарши ўзига хос, стихияли бир норозилик эди. Бу жараён айниқса, Фарғона водийсида кенг кўламда кечди. 60—70-йилларда Фарғона водийсида эски ўзбек имлосини ўргатадиган юзлаб яширин мактаблар фаолият кўрсатди. Бундай мактаблар кўпинча кекса, фозил ва донишманд муллаларнинг уйларида очилар, дарслар одатда маъмурлар кўзидан яширинча, кечалари ўтказиларди. 70-йилларда биргина Олтиариқ районининг ўзида 20 дан ортиқ ана шундай яширин диний мактаблар ишлаб турганди. Бу мактабларнинг мавжуд тузум, мустабид мафкура илдизларига раҳна солишидан хавотирга тушган партиявий-маъмурий органлар ҳар қандай йўллар билан уларни йўқ қилишга интилгандилар. Кўплаб муллалар яширин мактаб очганлари учун таъқиб остига олиндилар. Айримлари ҳатто турмаларга ташланди. Марғилонлик Ҳаким қори Восиев мактаб очгани учун юртдан қувғин қилиниб, узоқ йиллар сарсон-саргардон юрди. Наманганлик Абулқосим эшон, андижонлик Ҳамро отин ва бошқа ўнлаб дин фидойилари кўзларини омилик пардаси қоплаб олган ўзбек фарзандларига эски имлони ўргатганлари, мурғак кўнгилларни муқаддас Қуръон оятлари нуридан баҳраманд этганлари учунгина турмаларга ташлангандилар.

70-йиллар бошларида Андижонда бош кўтариб чиққан Раҳматилло Алломанинг руҳи поклари қадим Туркистон тупроғида қад ростлаётган масжидлар, мадрасалар, дини ислом, тилимизга берилган эркинлик, юртимиз истиқлолини кўриб беҳад шод бўлгандир. Ёш бўлишига қарамай шариат илми, ислом асосларини мукаммал эгаллаган донишманд бу зотнинг обрў-эътибори водийда, Тошкенту Жиззахда жуда баланд эди. Жума номозлари, ҳайитларда у киши ўқиган ваъзлар минглаб гумроҳларни ҳақ йўлга солди.

Асл исми-шарифи Раҳматилла Қодир ўғли бўлган бу фозил инсон халқ орасида Раҳматилла Аллома номи билан машҳур эди. Ўша йиллари партия, совет ва мафкура ташкилотлари Раҳматилла Аллома ва унинг атрофидаги кишилар фаолиятидан жиддий ташвишга тушдилар. Аллома билан органлар шуғуллана бошлади. Бу одамни Халқаро «Мусулмон биродарлар» махфий жамияти билан алоқада, Ўзбекистонда иш олиб бораётган ана шундай ярим яширин ташкилотнинг раҳнамоси дея шубҳаланган эди. Зеро, Раҳматилла Қодир ўғлининг ваъзларида мусулмон ва туркий халқлар биродарлиги, ёшларни ислом қоидалари ва анъаналари руҳида тарбиялаш, мустақиллигимиз истиқболи ҳақидаги ғоялар олға суриларди.

1978 йили Раҳматилла Қодир ўғли бошчилигидаги 77 нафар ватанпарвар, халқ ва дин иши учун чинакам курашчилар номидан ўзбек халқига ёзилган Мурожаатда шу фикрлар баён қилинган эди. Бу Мурожаат кўпгина масжид ва ва мадрасаларда ўқиб эшиттирилди. Қўлёзма ҳолида халқ орасида, шунингдек, корхона ва ташкилотларда тарқатилди. Аллома ҳатто «Етмиш еттилар Мурожаати»ни республика ва вилоятлар рўзномалари таҳририятларига юбориб, улардан бу Мурожаатни эълон қилишни сўраган эди.

Албатта, ўша даврда бундай Мурожаатнинг рўзномаларда босилмаслиги аниқ эди. Мурожаат ҳозир ҳам ўша рўзномалар архивларида ётибди. Бунинг ўрнига газеталарда гўё «Алломага эргашиб хато йўлга кирган» кишиларнинг тавба-тазаррулари эълон қилинди. Бундай материалларнинг уюштирилиш жараёни аён. Лекин шу исботнинг ўзи Раҳматилла Қодир ўғлининг қанчалик жасур, эркпарвар, дини ислом йўлида ўзини қурбон қилишга ҳам тайёр суратда сиёсий майдонга очиқ чиққан курашчи эканлигини кўрсатади.

**ТУРКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК УЧУН КУРАШ** деярли ҳамиша диний қўзғалиш кўринишида кечганлигини назарда тутсак, мустамлака маъмурлари ва уларнинг маҳаллий малайлари Раҳматилла Аллома гуруҳининг фаолиятидан қанчалик даҳшатга тушганлигини тасаввур этиш қийин эмас. Фарғоналик шоир ва журналист Адҳам Каримов ДҲҚ архивларида шу масалага оид ҳужжатлар билан танишгач, Раҳматилла Қодир ўғли ва унинг сафдошлари ўша йиллариёқ динимизнинг мавқеини тиклаш, мустақиллик учун жиддий курашганлиги ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлди. Тегишли органлар фидойи уламонинг изидан тушдилар. Аммо халқ орасида Алломанинг обрў-эътибори шунчалик улуғ эдики, маъмурлар уни тўғридан-тўғри ҳибсга олишга журъат этмадилар. 80-йиллар бошларида Раҳматилла Аллома — миллат иши учун улуғ курашчи сирли равишда автомобиль ҳалокатига учраб ҳалок бўлди...

Ҳа, бепоён Туркистоннинг дашту далалари, шаҳар ва қишлоқларида урушдан кейинги йилларнинг ўзида истибдодга қарши чақнаган исён учқунлари — қаҳрамонлар ҳақида юзлаб мисолларни келтириш мумкин. Ўзбек халқи мустамлакачилар қаршисида ҳеч қачон тиз чўккан эмас. Жуғрофий жиҳатдан озод дунё марказларидан беҳад йироқлигимиз, орага ташланган темир парда, оммавий ахборот воситаларидаги мислсиз назорат туфайли халқимизнинг миллий озодлик ҳаракати кўпчиликка маълум бўлмай қолди. Шу йўлда курашган қаҳрамон, фидойи ўғлонлар эса ими-жимида йўқ қилиб юборилди. Ўзбекистонда кейинги 40—50 йил ичида олиб борилган миллий озодлик кураши тарихи ҳали очилмаган қўриқ. ДҲҚ архивларида ном-нишонсиз кетган юзлаб ана шундай қаҳрамонлар ҳақида ҳужжатлар йўқ дея ким айта олади? Улар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

**Алишер ИБОДИНОВ**

# ЗАНЖИРБАНД ШЕР ТЎЛҒАНГАНДА...

Шак-шубҳасиз халқ ҳаракатининг энг ёрқин, энг фожиавий, энг қонли кўриниши, 1989 йил ёзидаги Фарғона исёнидир! Ҳа, мен адашганим йўқ. Ҳозиргача ҳам бир гуруҳ безорилар тўполони, гоҳ мафия (баъзан эса ДҲҚ) ташкил этган фитна ёки миллатлараро низо деб таърифланиб келаётган ўша ҳодиса аслида исён, ўзбекларнинг мустамлака тузумига қарши қўзғолони эди. Ўтган икки ярим йил давомида Фарғона воқеаларига бағишланган юзлаб мақолалар, илмий ишлар яратилди. Фарғоналик олим Ш. Абдуллаев Испанияда ўтган олимлар анжуманида бу воқеаларга бағишланган махсус маъруза билан чиқди. Тарихчи олим Ҳ. Бобобеков, социолог Б. Серматова ва бошқаларнинг шу фожиа ҳақидаги асарларида ахборот эмас, балки илмий таҳлил биринчи навбатда туради. Мирза Кенжабек, Ёқубжон Хўжамбердиев, Йўлдош Сулаймон, Абдужаббор Ҳусанов ва бошқа публицистлар асарларида ҳам воқеаларнинг асл илдизларини очишга жиддий ҳаракат қилинди. Юқорида қайд этилган олим ва публицистларнинг асарлари замирида аслида бир гап — ушбу исён олови ёқилишига халқнинг оғир ижтимоий-сиёсий аҳволи бош сабаб бўлганлиги ҳақидаги фикр ётади. Месхети турклари билан ўзаро низо, у кимлар томонидан уюштирилган ва авж олдирилганидан қатъий назар, исён кўтарилишига бир баҳона бўлган эди, холос. Фарғона вилоят партия қўмитасининг июнь воқеалари таҳлилига бағишланган ҳужжатида шундай дейилади: «Безорилар колоннаси иштирокчилари ислом чақириқларини айтиб, кўк байроқ кўтариб ўтдилар. Илгари маълум бўлмаган муқаддас ўзбеклар ташкилоти номидан варақалар тарқатилди. Коммунистларга қарши дўқ-пўписалар айтилди. Босмачилар раҳбарлари анъаналарини давом эттиришга қаратилган чақириқлар ташланди» («Коммуна» рўзномаси, 1989 йил, 25 июнь).

4 июнь куни вилоят партия комитети олдидаги майдон ҳаяжонланган ёшлар билан тўлди. Улар Фарғона шаҳри биқинидаги Чекшўра қишлоғида ҳалок бўлган ўртоқлари тобутини кўтариб олишган эди. Милиция ходимлари, солдатларнинг сийрак сафи тазйиққа бардош беролмай обком ичкарисига чекиндилар. Йигитлар йўлда учраган тўсиқларни шиддат ила ювган тошқин селдек бино ичига отилишди.

— Ўзбекни қачонгача хўрлайсизлар?

— Бас энди! Каттангни чақир!

Кўзлари қаҳр-ғазабдан ёнган йигитларнинг мардона қиёфалари, аламли ҳайқириқларидан гўё титраб кетгандек кўринган Ленин ҳайкали ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди.

— Қаранг, уларнинг ҳар бири улуғ саркарда боболаримизнинг йигитлари — шербаччаларга ўхшайдилар! — дея, ҳайратини яшира олмади шу ерда турган таниқли адиб Йўлдош Сулаймон. Бу ўхшатиш хаёлимда муҳрланиб қолди.

Обком биносида исёнчилар ҳузурига бир инструктор чиқди, холос. Вилоят раҳбариятидаги иккинчи шахс — 1985 йилдан сўнг Шимолдан бизга ақл ўргатиш учун келган сервиқор, баланд бўйли ўртоқ эса мажлислар зали ва йўлак орасидаги парда ортига яширинганди. Кадрлар тақдирини ҳал қиладиган иккинчи шимоллик ўртоқ кабинетини маҳкам беркитиб, сейф ортига пусиб олган эди. Йигитлар эшикни тепиб очиб киришганда ранги докадек оқариб тилдан қолган бу одамга бармоқларини текизишни ҳам ҳайф деб билдилар. Бу йигитлар вилоятнинг бош қароргоҳига месхети туркларини излаб келишган эмасди. Улар адолат ва ҳақиқат истаб келишганди, холос.

8 июнь куни Қўқон шаҳрига атроф районлар, Фарғона, Марғилон шаҳарларидан одамлар оқими кириб кела бошлади. Шундан бир кун аввал Қўқонда ҳам фожиали воқеалар бўлиб ўтган эди. «Мана яна Қўқонга жўнаб кетяпмиз. КамАЗлар, прицепли тракторлар шаҳарга қараб йўл олган. Улар экстремистлар билан лиқ тўла», дея хабар берганди ЎзТАГ ўша куни. Шу куни мен ҳам Қўқонга йўл олдим. Йўлларда дарҳақиқат одам кўп. Тўғри, чўқмор, болта кўтарганлар ҳам бор. Уларнинг аксарияти кимлигининг тайини йўқ одамлар. Аммо шаҳарга бошқа мақсад билан жўнаганлар ҳам кўп эди. Бағдод йўлида шаҳар томон пиёда кетаётган одамлар гуруҳи олдида тўхтаганим, бир кекса деҳқон билан суҳбатлашганим ёдимда. Оқсоқол месхети турклари билан ҳеч қандай иши йўқлиги, ўз дарди билан шаҳарда бўладиган митингга отланганлигини сўзлади. Унинг ўн фарзанди бор экан. Тўрт келин, набиралар, олти фарзанд билан каталакдек хонадонда тиқилиб яшаётганликлари, тирикчилик оғирлигидан ҳасрат қилди. «Негадир биз ўзбеклар ўз юртимизда бошқаларга қараганда ночор яшаймиз, айбимиз қишлоқда туғилганимизми?» дея нола қилган эди у. Чол Қўқонга келган катталарга шу дардларини айтмоқчи экан. Гуруҳдаги одамлар кўтариб олган шиорда «Пахтанинг нархи оширилсин» дея ёзилган эди.

Асосан ана шундай кишилардан иборат беш мингга яқин одам Қўқон шаҳар партия комитети биноси олдидаги майдонга тўпланди. Йиғилганлар олдига шаҳар раҳбарияти, вилоят органлари вакиллари чиқишган. Митинг қатнашчиларининг раҳбариятга берган ёзма талабномасида водийда ишсизликни тугатиш чораларини кўриш, уй-жойсизларга томорқа участкалари бериш, пахта, пилланинг харид нархини ошириш, ўзбек тилига давлат мақоми бериш, Орол денгизини қутқариб қолиш тадбирларини тезлатиш каби талаблар қўйилган эди. Қўйилган талабларнинг ҳаммаси ҳаққоний. Зеро, қишлоқларда аҳолининг ижтимоий-маиший, иқтисодий жиҳатдан шаҳарга нисбатан ўта камситилганлиги сир эмас. Шаҳарларда эса куч-қувватга тўла ёшлар ишсиз. Ўша пайтда водийда ишсизлар сони йилига 23 минг кишига кўпайиб борарди. Рус тилини билмаган кишилар учун бошқарув идоралари эшиклари берк эди.

**ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БУНДАЙ ТАНГ АҲВОЛ САБАБИ** аввало марказнинг мустамлакачилик сиёсати туфайли эканлигини халқ яхши англар эди. Исённинг бош мақсади аслида ана шу сиёсатга қарши қаратилган эди.

Хўш, куйиб-қовжираган мурдалар, ёқиб юборилган уйлар, қон йиғлаётган кексалар, аёллар ва болалар-чи? Ҳа, булар бўлган эди. Аммо хунрезликни муттаҳамлар, ўғри, каззоб ва безорилар, жиноятчилар қилган эдилар. Улар кейинчалик ўз қилмишларига яраша жазо олдилар. Бу жиноятчилар ўзбек халқига мансуб эмас, чунки жиноятчининг миллати бўлмайди.

Фарғона воқеалари ўтган йил декабрида марказий телевидение экранидан Т. Гдлян бутун дунёга вайсаганидек мафиянинг иши ҳам эмас. Фарғона вилояти давлат хавфсизлиги бошқармасининг ўша пайтдаги бошлиғи генерал Н. Лесков «Правда» газетасига берган интервьюсида «Фожианинг илдизлари чуқур ва мураккабдир. Бебошликларда ўн мингга яқин одам иштирок этди. Наҳотки, уларнинг ҳаммаси мафиянинг буйруғи билан кўчага чиққан бўлса? Бундай дейиш юмшоқ қилиб айтганда бачканалик ва шошқалоқлик бўлур эди» деган эди. («Ферганская правда» газетаси, 1989 йил, 9 июль).

Генерал Лесковнинг воқеаларни баҳолашдаги эҳтиёткорлиги, журъатсизлиги бежиз эмас. Гдлян каби ҳамма ишни мафияга тўнкаш аҳмоқлик, воқеаларни мавжуд тузумга қарши исён дея баҳолаш эса вилоятнинг бош махфиячиси учун ўз бошига бало орттириш эканлигини у яхши тушунарди.

Фарғона исёнининг оқ ва қора томонлари бор. Марғилон, Фарғонада, Қўқонда бўлиб ўтган митингларда ижтимоий-сиёсий талаблар билан чиққан кишилар унинг тоза йўналишини ташкил этади. 8 июнь куни Қўқондаги Ғалаба майдонида тўпланган кишилар қонсираган, қўлига ёнилғи тўла шиша ушлаган безорилар оломони эмасди. Улар инсоний ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб, мавжуд тузум ўзбек халқини ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан камситаётганидан ўз норозиликларини изҳор этиш учун тўпланган ватанпарварлар эди.

Митинг атрофини қуршаб олган ички ишлар қўшинлари аскарлари мана шу қуролсиз, тинч намойишчиларга қарши автоматлардан ўқ отдилар. Месхети турклари уйларига бостириб кираётган безорилар гуруҳига эмас, айнан сиёсий талаблар билан тинч митингга тўпланган халққа қарши ўқ ёғдиришнинг замирида чуқур маъно бор...

Кези келганда шуни айтиш керакки, безорилар йўлини тўсишда ички ишлар қўшинлари марказий матбуотда ЎзТАГ хабарларида кўпиртирилганидек, асосий ролни ўйнаган эмас. Улар кўпинча воқеаларнинг ортида юришган. 3 июнь куни Комсомольск посёлкасида рўй берган хунрезлик пайти ички ишлар аскарларининг қанчалик ожиз бўлганликларини ўзим кўрганман. Буни воқеаларга қатнашган баъзи солдат ва офицерлар ҳам тасдиқлайди. Ички ишлар қўшини бўлинмаси сиёсий ходими Е. Землянский Комсомольск посёлкасидаги воқеа хусусида шундай деган: «Кўз ўнгимизда уй-жойларга ўт қўйишди, одамлар ҳалок бўлди. Бўлинмамиздаги ҳамма одамлар ё ярадор бўлди, ё жароҳатланди. Нечоғли: даҳшатли туюлмасин, лекин ҳар биримиз фақат ўзимизнигина ҳимоя қилишга қобил эдик». («Ферганская правда», 1989 йил, 138-сон).

Комсомольск посёлкасида таёқ ва тошлар билан қуролланган, жунбушга келган оломон йўлини 130 нафар аскар тўсиб чиққан эди. Улар ўзларининг ожизликларини қўмондонлик томонидан солдат ва офицерларга ўточар қуроллар берилмаганлиги билан изоҳлайдилар. Таажжуб, босқинчи безориларга қарши қуролсиз аскарларни рўбарў қилган қўмондонлик нега тинч митингга қуролли қўшин бошлаб келади? Ҳеч қандай жангарилик аломати сезилмаган бир пайтда ким халққа ўқ узишга буйруқ беради? Нима сабабдан? Жавоблар ҳар хил бўлиши мумкин. Аммо ҳақиқат битта — Қўқонда Ўзбекистон мустақиллигига қарши ўқ узилган. Бу ўзбек халқини қўрқитиш, қайта қуриш шарофати билан ўрнидан қўзғалаётган шерни тиз чўктириш учун ўтказилган ваҳшиёна тадбир эди. Ўша кунларнинг шоҳидлари июнь ойидаёқ бу воқеага холис баҳо беришган. Аскарлар Қўқонда тинч намойишчиларга қарши ўқ узган эдилар. Москва ўқ ва резина калтаклар ёрдамида ўзининг сиёсий-иқтисодий озодлиги учун бош кўтарган ўзбек халқининг ўз-ўзини англаш туйғусини бўғиб ташлашга ҳаракат қилган эди. («Коммуна» газетаси, 1989 йил, 138-сон). Кейинчалик марказий матбуот, ЎзТАГ шу фикрнинг аксини исботлаш учун кўплаб ташвиқий материаллар уюштирди.

Умуман, исён пайтида маҳаллий партия-совет идоралари, ҳуқуқ-тартибот органлари биноларига қилинган ҳужумларнинг моҳияти ҳақида ўйлаб кўриш фурсати келди. Улар фақат Қувасой ва Тошлоқда қўлга тушган кишиларни озод этиш учунгина бўлмаган. Халқ менимча ўз норозилигини шу тариқа изҳор қилган. Мана, бир мисол. 7 июндан 8 июнга ўтар кечаси Ўзбекистон районидаги «Ғаниобод» совхози ишчиси Нурмуҳаммад Қосимовнинг милиция ходимлари томонидан отиб ташланиши халқнинг қаҳру-ғазабини қўзғади.

**ҚЎҚОНДА ТЎКИЛГАН ҚОНЛАР ҚУТЛУҒ,** шаҳидлар қонидир. Ўша куни қурбон бўлган фидойилар мустақиллик учун курашга ўз азиз жонларини бахш этгандилар. Узоқ вақтгача Қўқонда мустамлака қўшинлари томонидан ҳалок этилган, ярадор бўлган кишилар сони ҳам сир тутилди. Расмий маълумотларда эса сохтакорлик билан қурбонлар сони ўта камайтириб кўрсатилди. Ниҳоят, Президент Ислом Каримов ўтган йил ноябрь ойида Фарғонага келган пайтида 1989 йил 9 июндаги қонли воқеалар устидаги пардани олиб ташлади. Майдонда 17 киши ҳалок бўлган. Ярадорлар ҳам кўп эди. Ҳалок бўлганларнинг аксарияти айни куч-қувватга тўлган, оқил, мард ёшлар эдилар. Шуҳрат Олимов Қўқон таксомотор паркида шофёр, уч фарзанднинг отаси Абдумавлон Маҳкамов «Текстильмаш» корхонаси ишчиси эди. Қишлоқ хўжалик техникуми талабаси Алижон Бобожонов, Қўқон локомотив депоси ишчиси Азизхон Деҳқонбоев, муштипар онанинг якка-ю ягона ўғли бўлган Алишер Раҳматуллаев, икки боланинг отаси Қодиржон Нурматов ва бошқа қаҳрамонлар Қўқондаги Ғалаба майдонида муқаддас истиқболимиз йўлида жон бердилар.

Таассуфлар бўлсинким, кўксини душман ўқига рўпара қилган қўқонлик мард ўғлонларнинг хотираларини биз ардоқлай олмадик. Улар нишонсиз қабрларга дафн этилдилар. Ўша майдонда ярадор-майиб бўлганлар билан ҳам ҳеч кимнинг иши йўқ. Хайриятки, жасур ҳофиз Дадахон Ҳасангина Қўқон қурбонлари хотирасига гўзал қўшиқлар айтиб, қалбларга озгина таскин берди...

Фарғона фожиаларига сиёсий баҳо бериш пайти келганлиги кўп таъкидланяпти. Ҳақ гап. Аввало, биз юқорида исён деб баҳолаган бу воқеалар икки томчи сувдай 1916 йил воқеаларига ўхшашлигини айтиб ўтиш керак. 1916 йилги миллий-озодлик ҳаракатининг бошланиб кетишига бир нарса — Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларидан фронт орти ишларида фойдаланиш учун мардикорликка олиш ҳақидаги подшо фармони ўзига хос учқун бўлганди. Мустамлака зулми туфайли сабр косаси тўлган халққа бу фармон кўча ва майдонларга чиқиш, уйларга ўт қўйиш, амалдорларни ўлдириш учун баҳона бўлганди. Чор ҳукуматига қарши кўтарилган қудратли халқ исёни кейинча миллий озодлик ҳаракати деб баҳоланди.

Қувасойдаги кичик бир низо Фарғонада бошланган озодлик учун кураш ҳаракатига бир сабаб бўлган, холос. Исённинг асл моҳияти эса бутунлай бошқача эди. Фарғона исёни ўзбек халқи онгида жуда катта қўзғалиш ясади. Марказга нисбатан курашнинг янада алангаланишига қудратли туртки бўлди. Исённинг бошқа вилоятлар ҳудудига ёйилиб кетишига ҳам оз қолди. Андижон, Наманган, Тошкент, Самарқанд ва Қашқадарёда ҳам шундан сўнг маълум қўзғалишлар бўлиб ўтди. Водийда норасмий уюшмалар ҳаракати авж олди. Албатта, буларнинг ҳаммаси ёлғиз Фарғона исёнининг таъсири деб айтиш ноўрин. Аммо исён ўз ишини қилди. Биз марказнинг ким эканлигини, йиллар давомида куйлайвериб тилимиз ўрганиб кетган дўстликнинг асл қиёфасини англаб етдик.

**ДЎСТИМ ИСБОТЛАШГА УРИНГАНИДЕК,** мустақиллик осонликча қўлга киритилгани йўқ. У халқимизнинг узоқ йиллар сабот ва матонат билан олиб борган кураши, ўзбек зиёлиларининг тинимсиз саъй-ҳаракатлари, Президент Каримовнинг оқилона ва жасоратли сиёсати ва бошқа ўнлаб омиллар эвазига эришилди.

Бу йўлда қурбон бўлганларни хотирлаш ҳам фарз, ҳам қарздир. Ўша июнь воқеаларидан буён бир ўхшатиш ҳеч хаёлимдан кетмайди. Тошкентдаги Мустақиллик майдонида ўрнатилажак озодлик обидасининг қандай бўлиши ҳақида фикр ва мулоҳазалар авж олган шу кунларда Фарғона обкоми биносини ишғол этган йигитлар — шербаччалар ёдимга тушади. Боиси шундай. Ҳаммамиз учун табаррук ҳазрат Навоий номи билан боғлиқ машҳур занжирбанд шер сурати бор. Назаримда баъзан амир Алишерга нисбат бериладиган бу суратда Ҳазрат ўзларини эмас, балки, кўз ўнгиларида парчаланиб кетаётган ва шу кетишда занжирга тушиши муқаррар бўлган улуғ Туркистон шери — ТУРОННИ башорат қилганлар. Узоқ йиллар онгимда бу сурат Навоийни эмас, балки занжирдаги Туркистонни ифодалаб келди. Ўша Фарғона воқеалари кунлари назаримда, занжирбанд шер — Турон бир тўлғонган эди... Шукурки, занжирлар узилди. Мен озодлик обидасини ўша, Навоий ҳазратларига нисбат бериладиган суратдаги, аммо энди занжирларни узган ҳайбатли шер сифатида тасаввур этаман. Юксак пойдевор устига мағрур қиёфада, мардона сифатда темир занжирларни узаётган шер — Туркистон шери... Обида менимча ана шундай бўлиши керак.

Озодликка эришган Туркистон тимсоли бўлмиш занжирларини узаётган шер пойига эса юртимиз озодлиги учун жон фидо қилган барча қаҳрамонларнинг номлари битилиши лозим. Унга, шунингдек, Туркистон батамом кишанлаб ташланди, халқ онгида мустақиллик ғоясидан асар ҳам қолмади дейилган мудҳиш, иккиюзлама тоталитаризм замонларида ҳам мустақиллик учун курашганларнинг номлари ёзиб қўйилиши керак. Зеро, мустақиллигимиз ниҳоли ўтқазилган тупроқ, не фожиаки, қон билан ҳам намланган эди...

## Акс садо

# БОЙДАН БОЙНИНГ ФАРҚИ БОР

Ҳурматли бош муҳаррир!

Сиз, севимли газетамизнинг 20 январь сонидаги «Бойлардан қўрқмайлик, жаноблар!» деган мақолангизда диёримизнинг тўкин-сочин бўлиши, кишиларнинг ҳеч нарсага хору зор бўлмай бою бадавлат яшаши, одамларнинг, бойларнинг диёнатли, мурувватли, раҳму шафқатли ва энг асосийси ҳалол бўлишини истаб, шу бойликка эришиш учун ҳаракат қилиш зарурлигини уқдирасиз.

Сизнинг бу куюниб ёзишингизда қашшоқ халқимизга нисбатан ачиниш ва меҳрибонлик бор. Шунинг учун ҳам ҳаммани бой бўлишга ва бойликдан қўрқмасликка чақирасиз. Бироқ ҳамма ҳам бой бўлавермайди. Бойликнинг ўзи келмайди. Пешонасида бор одам бой бўлади, ўшанда ҳам ҳаракат қилса. Қани энди, Сиз айтгандек, ҳалоллик билан топилса бойлик. Кишиларни зор қақшатиб, уларнинг аччиқ кўз ёшлари ҳисобига бойишмаса экан.

Мени кечиринг. Эҳтимол, хато қиларман. Билмадим, шу ғоя асосида тарбия топганим учунми, Солиҳбой ва Мирзакаримбойларни мақтаб юборганингиз ёқмади, менга. Бири камбағал хизматкорнинг жуфти ҳалолига кўз олайтириб, жонига зомин бўлгани, иккинчисини эса туғишган қариндошининг севгилисини тортиб олгани учун мақтаймизми? Ҳозир ҳам бойлар бор. Эҳтимол, Сиз айтган одамсевар бойлар ҳам бордир, қаерлардадир. Аммо биз ундайларини учратмадик.

Бойлигидан қўрқиб, ўғри, талончиларга хайру эҳсон қилади-ю, лекин яланғоч бечорага бир чақа ҳам беришмайди ҳозирги бойлар. Маркс билан Ленин ҳаммани тенг қиламан деб, хаёлий коммунизм қурмоқчи бўлган эканлар. Социализм тенглик эмас, яширин капитализм эканини бошимиздан ўтказдик.

Президент томонидан яхши-яхши фармонлар чиқарилаяпти. Уларнинг ижросини кимлар амалга оширади. Ўша Солиҳбойлар сайлаган Қодирқул мингбошиларми? Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, ўтган сайловларимизнинг кўпида ана ўшанақа мингбошиларни сайлаб қўйган эканмиз.

Ҳамма ишларни ижро этувчилар халқ ноиблари эмасми? Деярли ҳамма амалдор ноиб. Шўро хўжалиги директори ноиб, қишлоқ кенгаши раиси ноиб, прокурор ноиб, миршаблар бошлиғи ноиб. Эҳтимол, шуларни бой десак, тўғри бўлар!

Қўлимиздан келмайдиган ишларни қўя турайлик. Бажариш имконимиз бўлганларини ҳам қилмаймиз. Гапни олиб қочма, дейсизми? Мана мисоллар. Ўқитувчи бепул газ билан таъминланади, дейишди. Қуриб кетсин, шу гази ҳам. Қўлимизда талонлар тўпланиб қолди. Пулга оладиганларимиз ҳам йўқолди. Газчилар ҳам ўқитувчи бор кўчадан четлаб ўтадилар.

Электр чироғимиз ўн кун ёниб турса, ўн кун ўчиб қолади. Керосинни кўрмаганимизга эса ўн йиллардан ошгандиров. Автобус деган нарсани гапиришнинг ўзи оғир. Хоҳласа қатнайди, хоҳламаса йўқ.

Мактаб болаларига бепул овқат бериш бошланганига анча бўлиб қолди. Биронта халқ ноибининг, аҳволларинг қандай, шароитинг борми, нима етмайди, болаларга нима бераяпсизлар, деб сўраб келганини билмаймиз.

Яхши ният билан харид қилиб қўйган шиферини, кўпнинг иши битсин деб совхоз гаражини ёпишга бериб юборган бева икки йилдан бери қатнаб уни ололмаса. Хизматга туҳмат эмасми бу? Мана қанақа Солиҳбойлар бор бизда! Буни қўйинг, йиғинларда, нега Президент ўқитувчиларнинг иш ҳақини тез-тез оширади, деган кўролмаслик, тортишувларга нима дейсиз?

Илгариги замонимиз ёмон бўлса ҳам бир яхши одат бор эди. Матбуотда чиққан танқидий мақола райком бюросида муҳокама қилиниб, тегишли чоралар кўрилар эди. Ҳозир-чи? Қанча йиғлама, сен билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Сизнинг газетангизга лоқайд ҳарбий комиссару бепарво врач ва районимиздаги эътиборсиз халқ ноиблари ҳақида хабарлар юборган эдим. Улар натижасиз йўқолиб кетди... Ҳа, бой бўлайлик, аммо Солиҳбой ёки Мирзакаримбойга ўхшаш бўлмайлик. **Инсофли, ҳалол, камбағалга қайишадиган, мард бойларимиз бўлсин.** Бунинг учун, энг аввало, маънавий бой бўлишимиз ва маънавий бирлигимиз керакка ўхшайди. Шу жиҳатдан газетанинг ўша саҳифасида Мақсуда Эргашеванинг «Бу не элким» деган шеъри босилгани айни муддао бўлибди.

Ҳурматли муҳаррир. «Яшасин ўзбекнинг нимжон бойлари!» деган хитобингиз баҳона, юрагимиздаги дардларнинг бир чимдимини тўкиб солдик, холос.

Бошқа кимга ҳам айтамиз.

**Эркин МИРЗАЕВ,**
**Қашқадарё вилояти, Яккабоғ туманидаги 65-ўрта мактаб муаллими**

# Ҳар кимки ҳаёт мажлисига кирибтур...

## «БОБУРНОМА» БАДИИЯТИ

«**Б**ОБУРНОМА» АСАРИ тарих, этнография, жуғрофия, биология, тил тарихи каби бир қанча фанлар учун бой материал берувчи манба бўлиши билан бирга ўзбек классик адабиётида XVI аср насрининг нодир ёдгорлиги ҳам ҳисобланади. Бобур бу асарда XV аср охири XVI аср бошларида Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистонда бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеаларни содда ва ихчам иборапарда очиқ, равшан, жонли ва ҳаётий тасвирлайди. Мемуарда замонанинг ижтимоий-сиёсий ҳодисалари, илмий ютуқлари, маиший сезгилари, муаллифнинг эсдаликлари сўз санъати билан уйғунлашиб ғоят мароқли, зангин маънодор қиссани ташкил этади. Бобур фактларга суянган ҳолда баъзан ҳаётни бадиий ўзлаштиришга интилади, айрим ҳолларда воқеаларни қуруқ баён қилмасдан тарихий шахслар портрети, характери, образини яратиш, хилма-хил ҳаёт ва табиат манзараларини чизиш орқали акс эттиришга эришади. Асарда Фарғона, Мовароуннаҳр, Афғонистон, ва Ҳиндистондаги айрим боғлар, шаҳарлар, жилғалар, сойлар, жанг ва ов саҳналари ҳам моҳир рассом мўйқаламига хос усталик билан тасвирланган.

Бобур ўз асарида ихчамликка эришиш учун кўп ўринда халқнинг бой оғзаки ижодига мурожаат қилади. Унинг асари ҳашамдорлик, ялтироқлик, жимжимадорликдан холи бадиий услуби ва халққа яқин жонли, образли тили билан ажралиб туради. Адиб кишилар характерини тасвирлар экан, муайян шахс характерини очишга ёрдам берадиган, шунингдек, жой ва табиат манзараларини китобхон кўз ўнгида яққол акс эттирадиган мақол ҳамда ҳикматли сўзлардан усталик билан фойдаланади, уларни ўрни-ўрнида маҳорат билан ишлатади.

Бобур Фарғонада ўзаро урушларни авж олдиришнинг фаол ташаббускорларидан бири Али Дўст ва унинг ўғли Муҳаммад Дўст ҳақида гапирар экан, биринчисининг қилган ёмонликлари олдига келиб, оёғига корд (яра) чиқиб, азобланиб ўлганлигини тасвирлайди ва Муҳаммад Дўст ҳақида шундай дейди: **«Муҳаммад Дўст ўзбекка кириб эди, филжумла ёмон эмас эди. Андин ҳам кўрнамаклик қилиб қочиб, Андижоннинг кўҳпояларига бориб, ёғиликлар ва фитналар ангиз қилди. Охир ўзбек илигига тушти. Кўзларини кўр қилдилар, «кўзларини туз тутти»нинг бу маъниси бор эмиш».**

Бу ерда келтирилган «Кўзларини туз тутти» мақоли турли фитналар билан шуғулланиш туфайли ҳеч кимга вафо қилмаган шахснинг характеридаги кўрнамакликнинг моҳиятини жуда ихчам шаклда ёритишга хизмат қилган.

Бобур ҳаёт ва табиат манзараларини тасвирлар экан, шу манзараларга боғлиқ ҳолда, унда ҳаракат қилувчи шахсларнинг, уларнинг айрим характер ва хусусиятларини ҳам чизади. У 1506 йилдан 1507 йилга ўтар қишда Ҳиротдан тоғ йўллари орқали Кобулга қайтишдаги воқеаларни баён қилиб, Ҳавволи Кутий олдидаги кечинмаларини шундай тасвирлайди: **«Ҳаввол торроқ кўрунди, мен Ҳавволнинг оғзида курак олиб, қор кураб, ўзумга бир такя миқдори ер ясадим, қорни кўксимгача қаздим, ҳануз ерга етмайдур эди. Бир нима элга паноҳ бўлди, ўшанда-ўқ ўлтурдим. Ҳар неча дедиларким, Ҳавволга боринг, бормадим. Кўнгулга кечтиким, бори эл қорда ва чопқунда, мен иссиқ уйда ва истироҳат била, мунда барча улус ташвиш била машаққатта, мен унда уйқу била фароғатта. Мурувваттин йироқ ва ҳамжиҳатликтин қироқ ишдир. Мен ҳам ҳар ташвиш ва машаққат бўлса кўрайин, ҳар нечук эл тоқат қилиб турса турайин, бир форси масал бор: «Марг боёрон сурааст».**

Бу парчада ўз навкарлари билан бирга барча сафарларнинг, ҳарбий юришларнинг қийинчиликларини, азоб-уқубатларини, кулфатларини кўрган, оддий жангчидай тоғу тош, чўлу саҳроларни кезган, ўз навкарларига меҳрибон ва ғамхўр шахс — Бобурнинг фазилатлари, унинг оддий инсон сифатидаги туйғулари, дўстлик ва аҳиллик ҳислари намоён бўлган. Бу тасвирдаги «Марг боёрон сурааст» мақоли эса ана шу ҳис ва туйғуларнинг бадиий ифодаси сифатида бериладики, у аввалги фикрларни янада бўрттириб кўрсатиш билан бирга тасвирнинг чўзилиб кетишига йўл қўймайди, лўнда баён этилишини таъминлайди.

«Бобурнома» муаллифи жуда кўп ва хилма-хил ҳаётий, ижтимоий-сиёсий воқеаларни тасвирлаш жараёнида айрим тарихий шахсларнинг мунофиқлигини, ёлғончилигини ғазаб ва нафрат билан ифодалайди. Бобур 1500 йил воқеаларини тасвирлар экан, Шайбонийхоннинг айрим ҳаракатларини шундай баён қилади: **«Хожа Яҳёдин чун Шайбонийхон мутаваҳҳим эди, икки ўғли Хожа Муҳаммад Зикриё ва Хожа Боқи била Хуросон сари рухсат берди. Кейин бир неча ўзбек бориб, ҳазрати Хожани икки йигит ўғли била Хожа кордзон навоҳисида шаҳид қилдилар. Шайбонийхоннинг сўзи бу экандуркимм, Хожанинг иши мендин эмас эди. Қанбарбий ва Кўпакбий қилдилар. Бу андин ёмонроқ, масал борким, «Узраш батар аз гуноҳ».**

Бу ўринда келтирилган мақол шахс характеридаги муҳим салбий хусусиятни аниқ ёритишга хизмат қилган.

**Б**ОБУР ЖОЙЛАРНИ, ТАБИАТ МАНЗАРАЛАРИНИ тасвирлашда ҳам халқ мақоллари ва таъбирларидан маҳорат билан фойдаланади. У Ахси қўрғони билан унинг атрофида яшовчи аҳолининг боғ-роғлари, экин майдонлари бир-биридан узоқ жойлашганини баён этаркан, дейди: **«Деҳ кужову дарахтон кужо» масалини ғолибо Ахси учун айтибдурлар».** Ёки Косон аҳолисининг ҳовли-жойлари, боғлари тамом сой бўйига жойлашганлигини **«Пўстини пешбарра»** деган халқ таъбири билан изоҳлайди. Асардаги кишилар характери, жой тасвири ва табиат манзаралари чизилган ўринларда эса: **«Қопудагини қопмаса, қаригунча қайғурур», «Душман не демас, тушга не кирмас», «Инонмағил дўстунгға, сомон тиқар пўстунгға», «Тенг бўлмагунча тўш бўлмас»** каби бир қанча ўзбек ва форс-тожик тилидаги халқ мақолларини қўллайди ва фикрни ихчам, услубни силлиқлаштиришга муваффақ бўлади.

Бобур асарда кишилар характерини, уларнинг руҳий ҳолатлари, психологик кечинмаларини, ички ва ошкора нутқларини, табиат лавҳаларини тасвирлаганда халқ мақолларининг айнан ўзини ишлатиш билан чекланиб қолмаган. У баъзан халқ мақолларининг мазмунини англатувчи, уни янада конкретлаштиришга ёрдам берадиган жумлаларни ҳам қўллайди, халқ мақоллари, ҳикматли сўзларига ҳамоҳанг тизмалар яратади. 1506 йил воқеаларини тасвирлар экан, Бадиуззамон Мирзо томонидан уюштирилган зиёфатдаги тартиб-қоидани баён этиб, Бобур шундай ёзади: **«Ҳар кимдин яхши иш қолғон бўлса, анинг била амал қилмоқ керак, агар ота ёмон иш қилган бўлса, яхши иш била бадал қилмоқ керак».**

Бу жумлани келтириш билан муаллиф, биринчидан, дидактик характерга эга бўлган масалани — кишиларнинг энг яхши одатларини ўрганишга, фойдалиларини давом эттиришга, ҳаётнинг ҳозирги талабларига жавоб бермайдиган тартиб-қоидалар ўрнига янгиларини жорий этишга даъват этишни илгари сурган бўлса, иккинчидан, айтилмоқчи бўлган фикрнинг ҳақиқий мағзини очишга муваффақ бўлган.

Айрим ўринларда муаллиф ҳикматомуз жумлалар ичига халқ мақолини сингдириб юборишга эришган. Масалан, Рано Сангога қарши жанг арафасидаги воқеани баён қилиб, ўзининг жангчиларга қарата сўзлаган нутқини шундай ёзади; **«Ҳар кимки ҳаёт мажлисига кирибтур, оқибат ажал паймонасидин ичгусидур ва ҳар кишиким, тириклик манзилига келибтур, охир дунё ғамхонасидин кечгусидир. Ёмон от била тирилгандин, яхши от била ўлган яхшироқ»...**

Бобур томонидан ишлатилган, кишилар характерини, ҳис-туйғуларини, кайфият ва ҳолатларини очишга ёрдам берадиган мақолларнинг кўпчилиги ҳозирги вақтда ҳам ўз ҳолатида, баъзан ўзгарган шаклда қўлланади.

«Бобурнома» муаллифи айрим жойларни, уларнинг муҳим хусусиятларини ёритганда халқ афсоналари ва ривоятларини келтиради. Масалан, Хўжанд билан Конибодом орасидаги дашт ҳақида шундай дейди: **«Хўжанд билан Конибодом орасида бир дашт тушубтур, «Ҳодарвеш»қа мавсумдур. Ҳамиша бу даштқа ел борур; тунд еллари бор; Хўжандгаким ғарбидур, доим мундин ел борур. Дерларким, бир неча дарвеш бу бодияда тунд елга йўлуқуб, бир-бирини топа олмай, ҳодарвеш-ҳодарвеш де-де ҳалок бўлубтурлар, андин бери бу бодияни «Ҳодарвеш» дерлар».**

Ёзувчи жойнинг номини халқ этимологияси орқали ёритиш учун шу жой ҳақидаги ривоятни келтиради. Худди шунингдек, Ғазни вилоятини тасвирлар экан: **«Китобларда битибдурларким, Ғазнида бир чашма бордуркимм, агар нажосат ва казурот бу чашмага солсалар, ўшул замон тўлғоқ ва тўфон ва чопқун бўлур. Яна бир тарихта кўрулубтурким, Рой Ҳинд Сабуктегинни Ғазнида мухосара қилғонда Сабуктегин буюрурким, бу чашмага нажосат била казурот солурлар. Тўлғоқ ва тўфон ва чопқун бўлур. Бу ҳийла била ғанимни дафъи қилур эрди. Мен Ғазнида ҳар неча тахассус қилдим, бу чашмадин ҳеч ким нишон бермади»,** деб кўрсатади. Бундай ривоятлар жой тасвирининг мароқли чиқишини таъминлаш билан бирга, китобхон томонидан асарнинг енгил ўқилишини ҳамда эстетик таъсир кучини оширишга кўмаклашади.

«Бобурнома» эпик асар, унда объектив воқеалар тавсиф қилинади. Лекин бу ҳол лирик чекинишларни инкор этмайди. Бобур ўрни билан кишиларнинг ички кечинмалари, руҳий ҳолатларини акс эттириш, у ёки бу шахснинг характерини очиш, тасвирланаётган воқеанинг мазмунига аниқлик киритиш, айрим воқеалардан тегишли тарбиявий хулосалар чиқариш учун лирик парчалар келтиради. Асардаги бундай лирик парчаларнинг бир қисми шоирнинг ўзиникидир. Бобурнинг ўз ғазалларидан олган байтлар, шунингдек, рубоийлар бир томондан асарнинг қайси вақтда яратилганлигини аниқлашга ёрдам берса, иккинчи томондан, асарнинг бош қаҳрамони бўлган бу шахснинг муайян пайтдаги руҳий ҳолатини, кечинмаларини ва бирор масаладаги қарашларини ифодалайди. Масалан:

**Чархнинг мен кўрмаган**
**жавру жафоси қолдиму,**
**Хаста кўнглум чекмаган**
**дарду балоси қолдиму.**

1506 йили қишида Ҳиротдан Кобулга Қандаҳор тоғ йўллари билан оғир қийинчиликлар ичида келаётган пайтда айтилган бу байт муаллифнинг руҳий ҳолатида юз берган кайфиятни ифодалашга хизмат қилган. Лекин «Бобурнома»да келтирилган кўп лирик парчалар Шайх Саъдийнинг «Гулистон», «Бўстон» асарларидан, Хожа Ҳофиз ғазаллари ва рубоийларидан олингандир. Форс-тожик тилидаги бу лирик парчаларнинг бир қисми ҳикматли сўз ва халқ мақоллари мазмунини англатади.

«**Б**ОБУРНОМА»ДАГИ АЙРИМ ЛИРИК ПАРЧАЛАР бирор-бир зодагон ёки ҳарбий амалдорнинг шармандали ҳалокатини тасвирлаш муносабати билан ҳам келтирилган. Бобур турли фитналар уюштириб, мамлакатнинг уруш майдонига айланишига фаол иштирок этган, қанчадан-қанча бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилишига сабаб бўлган кишиларнинг ўлимини тасвирлар экан, улардан тегишли хулосалар чиқаради, давр учун улкан аҳамиятга эга бўлган тарбиявий қарашларни илгари суради. У ўзининг бундай хулосалари ва қарашларини ифодалаш учун ахлоқий, дидактик ва фалсафий мазмундаги лирик парчалар келтиради. Масалан, Умаршайх вафотидан кейин Бобур саройида энг юксак мавқени эгаллаган ва Бобурга қарши фитна уюштирган Ҳасан Яъқуб ўз қилмишининг қурбони бўлган, у йигитлари томонидан отилган ёй ўқига учган. Бобур бу воқеалардан шундай хулоса қилади:

**Чу бад карди эмин зи**
**офот,**
**Ки вожиб шуд табиатро**
**мукофот.**

(Ёмонлик қилганингдан кейин офатлардан амин бўлма, чунки табиатнинг берадиган жазоси аниқдир).

Халқ оғзаки ижодининг эртак, достон каби оммавий жанрлардаги асарларда воқеалар асосан насрий йўлда баён қилиниши билан бирга, айрим хулосалар, тасвирлар, портрет ва характерлар назм билан ҳам ифодаланади. Бобур ҳам халқ оғзаки ижодининг ана шу услубидан ўринли фодаланиб, кишилар характерини очишга ёрдам берувчи лирик парчалар келтиради. У турли фитналар, ҳарбий иғволар уюштириб юрувчи Ғозихон ҳақида гапирар экан, бу шахснинг бевафолиги ва номардлигини кўрсатиш учун энг қийин пайтда ўз жонини қутқазишни кўзлаб, ота-онаси, эгачи-синглиси, бола-чақасини душман қўлига ташлаб кетганини нафрат билан баён қилади ва ярамас хислатларини очадиган шундай лирик парча келтиради:

**Мабин он беҳамиятроки**
**ҳаргиз,**
**Нахоҳад дил рўйи**
**некбахти.**
**Тан осони гузинад**
**хештанро,**
**Зану фарзанд бигузорад**
**басахти.**

(Ундай беҳамиятни кўрма, у ҳеч қачон хушбахтлик юзини кўрмайди. У ўз гавдасини қутқариб, хотин, бола-чақасини ёмон ҳолда қолдиради).

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, адиб воқеалар баёнининг силлиқ ва жонли бўлишини таъминлаш, кишилар характерини образли тавсифлаш, услубни ихчамлаштириш, бўёқдорликни кучайтириш учун ҳикматли сўзлар даражасида турувчи лирик парчаларни усталик билан танлаган.

Бобур шарқнинг мустабид, қаллоб, ғаламис ҳукмдорларидан бири Хисравшоҳни, унинг хатти-ҳаракатларини тасвирлар экан, юмористик элементлар билан бирга ҳажвий элементлар воситасида тасвирни кучайтиради: **«Ҳисор эли, алалхусус Хисравшоҳга тааллуқ эл ҳамиша шурб ва зинога машғул эдилар. Бу мартабадаким, Хисравшоҳнинг навкарларидан биров бир кишининг хотунини тортиб элтар, бу хотуннинг эри Хисравшоҳга келиб додхоҳлик қилур, жавоб берурким, неча йил сенинг била эди, неча кун анинг била бўлсун».**

Бу тасвирда шоҳнинг ёвузлиги тўла намоён.

**Х**УЛЛАС, «БОБУРНОМА» МУАЛЛИФИ ўз асарида воқеа ва ҳодисаларни, кишилар характери ва хусусиятларини, табиат лавҳалари, жойлар манзарасини тасвирлаганда уларни ўқувчи кўз ўнгида тўла-тўкис намоён этиш учун халқ мақоллари, ҳикматли сўзлари, ривоят ва афсоналаридан, халқ юморидан санъаткорлик билан фойдаланади.

Дарҳақиқат, бу асар жуда кўп фанлар учун қимматли бўлган маълумотларни ўзида жамлаган қомусий асар бўлиши билан бирга, академик В. В. Бартольд айтганидек ўзбек прозасининг XVI асрдаги нодир ёдгорлигидир.

**Салоҳиддин ЖАМОЛОВ,**
**филология фанлари номзоди, доцент**

# «ЎЗНИ АНГЛАШ УЧУН ЎЗГАНИ ЎРГАНАМАН...»

ДАВРА СУҲБАТИ

**Бир қанча муддат илгари Таржима марказида таржима адабиёти ва унинг ташвишлари ҳақида баҳс-суҳбат бўлиб ўтган эди. Бу давра гурунгида ижодкорлардан Ғайбулла ас-Салом, Муҳаммад Али, Садриддин Салим ҳамда мунаққид ва ноширлардан Бахтиёр Омон, Ҳамидулла Кароммат, Фазлиддин Саид, Зоҳиджон Содиқий иштирок этишди. Қуйида шу даврда суҳбатини эътиборингизга ҳавола қиламиз.**

**Ғайбулла ас-САЛОМ:** — Бугунги адабий жараён мураккаб ижтимоий вазиятда кечмоқда. Бир ёқда иқтисодий танглик ўз ишини қилаётибди. Ҳамма ҳозир «иқтисодчи» бўлиб кетган. «Аввал иқтисод, кейин сиёсат». Шу топда калом кўнгилга сиғадими! Китоб савдоси ҳеч қачон бунчалик касодга учрамаган эди. Баъзи бировлар: «ҳозир шундай бир маррага етиб келдикки, буёғига, лоақал бир неча йил китобдан дам олиш керак», деб айтишмоқда. Ким билсин. Балким бу гапда ҳам жон бордир? Нашриёт даргоҳига, босмахона дастгоҳларининг ёнига бориб бўлмайди: чақади! Қоғоз — фалон пул.

**Фазлиддин САИД:** — Қизиқ. Илгари китоб ўқиб дам олган бўлсак, энди буёғига «ковш» қайтариб, китоб ўқимай дам олар эканмиз-да? Начора. Кўникишга тўғри келади. Аммо тарки одат амри маҳол. Ҳамон «бултурги эшмат»часига хониш қилаётган муаллифу мутаржимларимиз, муҳаррирy мунаққидларимиз кам эмас. Бошқа ёқдан эса, «янгичасига» иш кўриб, мўмай пул орқасидан қуваётганлар, ҳар хил маза-матрасиз, беҳаё, пуч нарсаларни ёзиб ёки ўгириб ётганлар ҳам кўпайиб кетди.

Албатта турғунлик даврини қандай сўзлар билан койимайлик, ўша оғир йилларда ҳам ифтихор қилишга арзигулик таржималар яратилмабдими? Наҳотки, бугун бўш-тақир жойда турган бўлсак? Оббаҳолам, Фирдавсий, Ҳайём, Саъдий, Жомий, Шекспир, Шиллер, Байрон, Пушкин, Руставели, Тагор, Гунтекин, Авезов, Айтматов, Ҳамзатов асарлари, жаҳон адабиётининг нодир намуналари, «Декамерон», «Илоҳий комедия», «Фауст»ларнинг ўзбек тилига таржималари ўша биз турғунлик деб атаётган даврнинг маҳсулидир.

**Зоҳиджон СОДИҚИЙ:** — Ифтихор қиладиган ва уяладиган ишлар кўп бўлган, албатта. Илгари шундай бўлган, ҳозир ҳам шундай. Китоб дўконларининг пештахталарига қаранг. Ўзбек тилида-ку китоб тақчил, аммо борларининг ҳам бозори чаққон эмас-да. Нима учун шундай?

**Садриддин САЛИМ:** — Сабаби, менимча, қоғоз тақчил бўлганини-ку қўя турайлик, борингки, ҳали айтилганидай, қоғоз сув текин, интиҳойи хор бўлган тақдирда ҳам асло босиб бўлмайдиган нарсалар тиқилиб ётибди.

Таржима адабиётининг савдода ётиб қолаётган ўзбек тилида китоб кўплигидан эмас. Аксинча. Китобхоннинг бу нарсаларни ўқигиси келмайди, вассалом. Чунки таржима нашри ҳам мафкуранинг қурбони бўлди-да. Дўстлик дедик, байналмилалчилик дедик, улуғ оға дедик, кичик ини дедик, фалон мавзу дедик — таржима қилавердик. Бу асарларни биров ўқийдими ёки йўқми, буёғини ўйламадик.

**Ғ. С.:** — Бу муаммоларнинг барчасини бир суҳбатда «ҳал» эта олмаймиз. Мен, асосан, бир-икки масала атрофида «айлансак», демоқчийдим. Булар: **мафкура ва таржима**, бизда таржимавий сиёсатда йўл қўйилган **нуқсонлар** ҳамда таржимада ўзлик ва ўзгалик хусусида.

Ривоят қиладиларким, кунларнинг бирида Боязид Бастомийнинг эшиклари тақиллабди.

— Лаббай! Ким керак? — сўрабдилар зоти шариф.

— Боязид Бастомий ҳазратларини кўрмоқчийдим.

— Ғалат... Бастомий ўзимга ҳам керак, дарвоқе, — жавоб қилибдилар ҳазрат. — Мана, қирқ йил бўлибдики ул кишини қидираман, тополмайман, тополмайман...

Инсонлар борки, туғилиб, яшаб, ўлиб кетади ҳамки, ўзини тополмайди. Наинки шахс, бутун-бутун халқлар, миллатлар ҳам асрлар давомида ўзлигини танимай, тарих сўқмоқларида адашиб, оворайи жаҳон бўлиб юриши мумкин. Масалан, биз ўзбеклар орасида ўз-ўзига «ким эдиму, ким бўлдим?» деган саволни берадиганлар кўпмикан? Боязид Бастомийдай табаррук, комил бир инсонки қирқ йил ўзларини тополмабдилар, биз ўзбек мардуми буёғи етмиш йил, нарёғи яна етмиш йилдан буён ўзимизни танимай юрган бўлсак, не ажаб?..

Ана энди бу ҳолни бадиий таржимага тадбиқ этиб кўринг.

**З. С.:** — Мен Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарининг икки олмонча таржимасини (Ҳерман Вамбери ва Василий Радлов) ўрганиб, ҳайрат бармоғини тишлаб қолдим. Ҳали буёқда ўзимиз «шоҳномаи туркий» деб юксак таърифланган, 73 фасл, 13 минг мисралик мазкур умумтуркий ёзма обидамизни ўзбек тилига шеърий мақомда ўгиришни хаёлимизга ҳам келтирмаган бир даврда, Ғарбда юз йиллар муқаддам можор, олмон, фаранг, кейинчалик ўрис шарқшунос олимлари уни чуқур ўрганишди.

**Ф. С.:** — Рост, аксарият, уларнинг чуқур илмий тадқиқотлари ва таржималари туфайли минг йиллар нарисида тошларга ўйиб ёзилган туркий ёдгорликлар, битикларни ўқиш, ўз маданий меросимизга эга бўлиш, ўзимизни ва ўзлигимизни таниш бахтига мушарраф бўлдик.

**Ҳамидулла КАРОМАТ:** — Яна унутмайликки, бу икки томонлама жараён. Шу маънода мўйсафид Шарқнинг ҳам муаззам Ғарб олдида хизматлари катта. X асрларда араб мутафаккирлари, улар қаторида Ўрта осиёлик мутафаннин, қомусий алломаларимиз (ал-Фаробий, Ибн Сино, ал-Хоразмий...) қадимги юнон ҳакимлари Афлотун, Жолинус, Буқрот, Суқрот, Иқлидус ва бошқаларнинг йўқолиб бораётган асарларини арабчага ўгириб, уларни Оврупо ва инсоният учун сақлаб қолдилар. Кўпчилик ҳолларда ёлғиз юнонлар эмас, бутун ўрта асрлар, Уйғониш даври Оврупо олимлари ҳам араб мутафаккирларининг беназир хизматларида ўзларини топдилар ва танидилар.

**Ф. С.:** — Мана, қўлимизда Юсуф Хос Ҳожибнинг «Юлдузча» нашриётида 1990 йилда ёш авлодга мўлжаллаб насрий баён ва шеърий парчалар билан чоп этилган (Боқижон Тўхли) рангдор китоб. Нашр сўнгида Саъдулла Аҳмад ўгирган анча мукаммал шеърий таржимадан намуна ҳам берилган.

1971 йилда «Қутадғу билиг» тилшунос олим Қаюм Каримнинг табдилида ҳам нашр этилган эди. Кейинги йигирма йил ичида бу умумтуркий ёдгорликка икки марта мурожаат қилдик. Бу ҳақда ўйлар эканман, асарни 1951 йилда парча ҳолида, асл туркий нусхаси ҳамда ўрисча сўзма-сўз таржимасида илмий шарҳлар билан босмадан чиқарган профессор С. Маловнинг жуда катта хизматини эслагим келади. (Санкт-Петербургда босилиб чиққан «Қадимги турк ёзуви ёдгорликлари» китобини назарда тутаяпман). Буни бизнинг мислсиз маънавий қадриятларимизни ўзимизга қайтарган беназир жасорат деса бўлади.

**З. С.:** — Тўғри-ю... Малов асарнинг матнини берди, сарфу наҳвини таърифлади ва ҳоказо. Ҳа, бу жасорат. Аммо «Қутадғу билиг»нинг ўзи ҳақида у киши нима деганини биласизми? «Баҳор тавсифи қисмини эътиборга олмаганда, «Қутадғу билиг» жуда зерикарли ва сўхтаси совуқ бир асар». Мана Сизга — «жасорат!». Бу ҳам Маловнинг сўзлари!

**Ф. С.:** —Профессор Малов олим сифатида туркий обидани обдон пухта текширган. Аммо у кишиқ адабиёт муҳиби эмас эди-да. Асарни тушунмаган. Тушунмагани олимнинг хатоси эмас, балки... фожиаси. Чунки «шоҳномаи туркий» деб қадр топган шундоқ асарни «тушунишнинг» ўзигина кифоя қилмайди. Уни — ўз маънавий мулкидай қабул қилиши керак. Бундай миллий, руҳий замин Маловда йўқ экан, бу ҳам табиий.

**З. С.:** — Дарвоқе, Маловдан саксон бир йил илгари, 1870 йилда «Қутадғу билиг»ни можор (венгер) шарқшунос олими Ҳерман Вамбери Австриянинг Инсбрук шаҳрида туркий аслияти, матни, олмонча таржимаси, чуқур илмий шарҳи ҳамда махсус луғати билан нашр қилдирган эди. Вамбери ўз тадқиқотида Оврупонинг ҳозирги гуллаб яшнаши Ўрта аср Шарқи туфайли содир бўлди, дейди. Туркий маданиятнинг кўҳналиги, унинг оламшумул аҳамиятига қойил қолади. «Туркий халқлар ўзларининг билимдонликлари билан бутун дунёни ларзага солган. Ҳайратомузки, бизнинг Оврупода ибтидоийлик ҳукм сурганда, уларда миллий адабиёт гуллаб яшнаган».

**Ф. С.:** — Ана холос! Лекин маъзур тутгайсиз, професор Ғайбулла ас-Салом ўзининг «Таржима назарияси асослари» дарслигида Вамберидан келтирган мана бу иқтибосини эслатсам: «Шарқ халқларининг феъл-атворида (японлар бундан мустасно) «осиёвийлик» деб аталмиш бир нарса бор. Меҳнатга унчалик тоблари йўқ, камҳафсала, ўзлари ашаддий мутаассиб кишилар. Японларни истисно қилганда, осиёвий халқлардан биронтаси ҳам мустақил ҳолда тараққиёт ва янгилик йўлини ихтиёр қилмаган. Осиёликлар фақат Оврупонинг бевосита ёки билвосита таъсири орқасидагина маданиятга эришишлари мумкин».

**Ғ. С.:** — Ҳа, тилимдан илинтирдингиз. Аммо, унутмайликки, бизни мақтаган ҳар бир кимсани — дўст, койиган ҳар бир кишини — душман деб бўлмайди. Мақтаб-мақтаб биқимиздан дарча очиб қўйишлари ҳам мумкин. Энг янги давр тарихи бунга жонли гувоҳ эмасми? Агар Вамбери «таърифлаган» ўша машъум иллатлар, ўша лаънати осиёвий лоқайдлик бизда бўлмасайди, бугунга келиб шундай саҳий, шундай бой бир ўлка талон-тарож бўлармиди! Минг йиллар сарҳадига туташиб кетган тарихимизни йўқ қилишларига йўл қўярмидик?

**Ҳ. К.:** — Кейинги йилларда таржима адабиётимизда анча яхши ишлар қилинди. Матбуот саҳифаларида Гётенинг «Ғарбу Шарқ девони» таржимасини ўқидик. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт «Отелло» номи остида Вильям Шекспирнинг бешта фожиасини чоп этгани йилнинг маданий воқеаси дегулик. Бир жилдликка Жамол Камол инглизчадан ағдарган «Ҳамлет», «Отелло», «Макбет», «Антоний ва Клеопатра», «Афиналик Тимон» киритилган. «333 рубоий» ҳам нур устига нур бўлди.

Лекин шунга қарамай, агар мендан таржимачилигимиз сиёсатида энг «чирсиллаб турган» масала нима? деб сўрашса, лўнда қилиб — «Мафкура ва таржима» дердим. Чунки таржима ҳам адабиётнинг «синфийлиги» ва «фирқавийлиги» қурбони бўлди.

**Бахтиёр ОМОН:** — Ўзбек бадиий таржимачилиги оғир танглигни бошдан кечирмоқда. Махсус буюртмалар асосида битилган китобларнинг умри қисқа. Токи, ўзбек ёзувчилари инсоншунослик сари қадам ташламас экан, таржимачилигимизда ўзгариш бўлмайди. Умид шоиру шуарода, уларнинг жаҳон адабиётидан озиқ олишида ҳамда бу маънавий хазина сандиғидаги китобларни ўқувчиларга етказаётган таржимонлар меҳнатини қадрлашида қолди.

**Муҳаммад АЛИ:** — Бугун таржима сиёсатимиз, биринчи галда ҳали оламга маълум бўлмаган буюк аждодларимизнинг асарларини турли тилларга таржима қилиб, жаҳонга ёйишдан иборат бўлса деймaн. Бу халқимизнинг бўй-бастини тўлиқ кўрсатишга имкон беради. Ахир жаҳонда тўртта саркарда бўлса, бири — бизнинг бобомиз, тўртта аллома бўлса, бири — бизнинг бобомиз, тўртта шоир бўлса, бири — яна бизнинг бобомиз... Лекин шундоқлигини жаҳон билсин-да.

Шу маънода жумҳуриятимизда Алишер Навоий ижодини ўрганадиган, уни бошқа тилларга таржима қилиш, тарғиб этиш билан шуғулланадиган, жаҳон мамлакатлари билан боғлайдиган махсус «Навоий хонадони» ташкил этилмоғи лозим, деб ўйлайман.

Шу йил январь ойида бўлиб ўтган Навоий асарлари таржимонлари анжуманининг иштирокчиси, таниқли белорус шоири Евгений Миклашевский шундай деб қолди: «Алишер Навоий беназир шоир экан. Биз шеърни шундай тушунамиз: у маълум бир нарсага, масалан, гулга, ёрга ёки ватанга бағишланган бўлади. Аммо Навоийда, бир ғазалда ҳам ёрни, ҳам гулни, ҳам ватанни, ҳам самовотни ва ҳоказоларни учратиш мумкин экан... Воажаб: буларнинг бари бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетади. Бизда бундай шоир йўқ. Эсиз... Агар сизлар биргина Навоий ашъорининг ўзинигина таржима қилиб жаҳонга ёйсангиз, бас, халқингизнинг жаҳон маданиятининг юксак поғоналарида тура олишига кифоя қилади...»

Ҳақиқатан, таржима — қайта яратиш санъати экан, бу жараён ниҳоятда жозибали.

Шу ўринда яна бир нарсани айтмоқчи эдим. Асл нусха тилидан таржима қилганга не етсин! Таржимон учун тил билмасликнинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди.

**Ф. С.:** — Шу учун, аслиятдан айниқса араб, форс, хитой, ҳинд, япон, усмонли турк тилларидан таржима қилувчи кишиларни алоҳида моддий ва маънавий рағбатлантирилса ёмон бўлмасди...

**Ғ. С.:** — Жўяли талаб! Бироқ шу билан бирга... Сиз, Муҳаммад Али, «тил билишнинг ўрнини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайди», дедингиз. Дуруст, ундай бўлса, мана, истеъдод деймиз. Нима бу? Хўш, истеъдод, таржимон истеъдодининг ўрнини бошқа бир нарса, борингки, ўша аслият тилини сув қилиб ичиб юбориш билан ҳам қоплаб бўладими? Қуруқ лисоний истибдод исканжасида истеъдод гулларини сўндириб юборишдан ҳам эҳтиёт бўлайлик. Тил ўрганиш жуда инжиқ нарса. Лекин уни, ҳар қалай, ўқиб, машқ қилиб, эгаллаш мумкин. Истеъдодни... «ўқиб ўрганса» бўладими? Йўқ! Мактаб, мадраса, корхона кишига илм, ҳунар, малака беради. Истеъдодни-чи? Истеъдодни оллоҳ беради. Зеро, бу туғма, руҳий ғизо. Кароматl Уни бошқа ҳеч ким — «беролмайди».

Рост-да: Данте «Дўзах»ининг дўзахий азобига чидаб, шундоқ таржимани бунёд этган Абдулла Орифнинг меҳнатию тиниқ, ёрқин истеъдодини нимага қиёс қилса бўлади. Фақат ўзига! «Фауст», «Декамерон», «Илиада», «Шоҳ Эдип»... Эҳ-ҳе! Олмон, испан, юнон тилларини ўрганиб, қайси бир таржимон бизга Эркин Воҳид, Қодир Мирмуҳаммад, Асқад Мухтор яратган таржималарни бера олади?

Айтмоқчиманки, бу ерда тилчининг билимидан кўра, шоирнинг қалби, сеҳрли тахайюлот олами ҳам керак.

**Б. О.:** — 50—60-йилларда ўзбек тилига ўнлаб ажойиб асарларни ўгирган М. Исломий, М. Осим, Миртемир, М. Мирзоид, О. Шарофнинг таржимонлик ишлари ҳақида ҳамон жамоатчилик маълумотга эга эмас. Биз, ёшлар уларни кўрмаган бўлсак-да, жаҳон адабиёти ганжиналарининг ўзбекона тили, гўзал услубига қараб ул зотлар меҳнатини қадрлаймиз ва бот-бот ўрганиб борамиз. Қисматни қарангки, марҳум дўстларининг маҳорат сирлари ҳақида кекса таржимонлар хотиралар ҳам ёзишмайди. Шу боис, ёш китобхон таржима заҳмати, китоб чиқазиш азобини билмайди. Мавҳумлик ёмон, у ҳақиқатдан йироқ фикрларни қўзғайди. Мени таржимоннинг қадр-қиммати тушиб бораётгани жуда ташвишга солади. Биргина жонли мисол: Қодир Мирмуҳаммад 40 дан зиёд дурдона асарларни маҳорат ила ўзбекчалаштирди! Бу китоблар қироатхонамиз тўридан мустаҳкам жой олган. Аммо таниқли мутаржим Қ. Мирмуҳаммаднинг 70 йиллик таваллуд тўйи нишонланмади ҳам.

**Ҳ. К.:** — Ҳар қанча таҳсинга лойиқ, ҳар қанча таассуфга боис иш бу бадиий таржима. Юқорида бир карра қайд этиб ўтилди: Шекспирнинг 1981—85 йилларда босилиб чиққан беш китобдан иборат танланган асарларида ҳам, 1991 йилда нашр қилинган бир томликда («Отелло») ҳам Жамол Камолнинг ҳиссаси катта.

Эътибор қилинг-а: беш томликда «Отелло» — Ғафур Ғулом таржимасида, «Ҳамлет» — Мақсуд Шайхзода, «Антоний ва Клеопатра» — Комил Яшин, «Макбет» — Жамол Камол таржимасида берилган эди.

Шуниси борки, илгари бу асарлар инглиз тилидан эмас, балки ўрисча таржималардан ўгирилган.

**Ғ. С.:** — «Шекспир билан яккама-якка жангда майдондан чўлоқ бўлиб чиқиб кетиш ҳам мен учун ифтихор», деган эди унинг таржимонларидан бири.

Модомики, Жамол Камол бундай яккама-якка «жанг»да мағлубият аламини чекмаган бўлса, сабаби шуки, у Чўлпон, Шайхзода, Ғафур Ғуломларнинг елкасида турган эди. Жамол Шекспирни Навоий мулкига чақирган экан, буюк инглиз мутафаккирининг сўз мулки қароргоҳига якка-ёлғиз борганмас, балки Михаил Лозинский, Борис Пастернак, Михаил Морозов, Юрий Корнеев, Чўлпон, Жаъфар Жабборли, Мақсуд Шайхзода, Ғафур Ғулом, Комил Яшинларнинг изидан юриб борди. Ворисийлик бадиий таржима даргоҳига ҳам бегона эмас.

Агар мен инглизчадан қилинган янги таржималарда ҳеч қандай доғ-дуғ йўқ, Шекспир бизга мутлақо бекамукўст етиб келди, десам, бу ҳақиқатга хилоф даъво бўларди. Яна шуниси ҳам аёнки, катта иш энди бошланди... «Янги» Шекспирни янгича идрок этиш, унинг чўнг инсонпарварлик ғояларини ўзимизнинг узоқ давом этаётган мудроқ, карахт, мубҳам ҳолатимизга тадбиқ қилиш, инглиз мутафаккирининг ижодини жиддий адабий-танқидий ўзлаштириш жараён энди куртак ота бошлади...

**Ҳ. К.:** — Кейинги йилларда таржима адабиётимизда яна бир ҳол — бир асарнинг бир неча таржима вариантлари пайдо бўла бошлади. Бу, албатта, яхши. Масалан, Байроннинг «Дон Жуан» асарини Абдулла Шер — инглиз тилидан, Сулаймон Раҳмон — ўрис тилидан ўгирди.

Тўғри, бундай тажрибалар адабиётимизни бойитади. Лекин Ёзувчилар уюшмасида ўтказилган муҳокамадан сўнг Сулаймон Раҳмоннинг «воситали» таржимаси нашрга тавсия этилди. Бу Абдулла Шернинг инглизчадан қилган таржимаси «яроқсиз» деган сўз эмас. Ҳар иккала таржима ҳам босилса арзийди.

**Ғ. С.:** — Баҳс давомида иккита катта масала юзага қалқиб чиқди: 1. Ўзни англаш учун ўзгани ўрганаман. 2. Ўзгани англаш учун ўзни ўрганаман. Худди шу ўринда бизга, айни шу кунларда, буюк олмон мутафаккир шоири Иоҳанн Гёте «лаббай» деб жавоб беради. Ўзимизнинг улуғвор кўҳна Шарқни билмаган чаламулла, гумроҳ эканлигимизку аён бўлди, аммо биз маърифатли Оврупони ҳам дуруст-қуруқ билмаймиз. Зотан, бехабармизки, Гётедай бир даҳо ўзини баайни... мусулмон деб билган!

**С. С.:** — «Баайни» эмас, айнан шундай! Бу даъвони «ўзининг мусулмон эканлигидан шубҳаланмайдиган» Гёте Ғарбу Шарқ девони»нинг «Ҳикматнома» фаслида шундай тасдиқлайди:

**Нодон ҳар нарсани ўзича шарҳлашга**
**шай,**
**Ҳар ҳодиса сабабин билгум деган**
**авом-да!**
**Аллоҳга итоатдур Ислом деган**
**сўз асли,**
**Исломга ўтиб ҳамма, ўлажакмиз**
**Исломда.**

Эътибор қилинг-а: XIX асрнинг бошига келиб Қуръон инглиз тилига 10, фаранг тилига 8 маротаба таржима бўлган. Гёте 1772 йилда, 23 ёшида, мусулмонларнинг бу муқаддас китобини ўз она тилида Д. Мегерлин таржимасида ўқиди. Ўзи эса Каломуллонинг олтинчи сураси ҳисобланмиш «Анъом»ни лотинчадан олмон тилига ўгирди. У 1772—73 йилларда «Муҳаммад» драмаси устида иш бошлайди. Яна Вольтернинг «Муҳаммад» драмасини олмон тилига таржима қилади.

«Девон»даги биринчи шеър «Ҳижрат» деб номланади. Гёте ҳам жанобы пайғамбарга тақлид қилиб, ҳижратга бел боғлайди. У Ғарбдан Шарққа боради. Гарчи, соғлиғи йўриғидан том маънодаги ҳижрат унга насиб этмаган бўлса-да, ул киши руҳан Шарққа кўчган эдилар.

Tabani GROUP OF COMPANIES



Босқинчиларни улуғлаб, халоскор ватанпарварлар номини булғашнинг замони ўтди. Туҳмат ва таҳқир ботқоғига чўккан она тарихимиз мафкуравий найранглардан фориғ бўлаётир. Халқимиз ўтмишининг энг ёруғ даврларидан бўлмиш Амир Темур ва темурийлар замонасига тортилган бўҳтон пардалари олиб ташланмоқда.

Бу, табиий равишда, темуршуносликнинг вужудга келишига йўл очаётир. Шу заминда биз ўзимизни англаш сари қадам қўяётирмиз.

Олдимизда буюк соҳибқирон замондошлари ва жаҳон муаррихларининг турли даврларда ёзиб қолдирган тарихномаларини мукаммал ўрганиш, нашр этиш муфассал қиёсий тадқиқотлар олиб бориш вазифаси турибди.

Шу муносабат билан «ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР» деган янги рукн очдик. Бундан буён халқимиз тарихининг темурийлар билан боғлиқ энг довруқли ва мураккаб даврларига доир янги тадқиқотларни шу рукн остида эълон қилиб бориш ниятидамиз.

ИЖТИМОИЙ ҲАЕТ БУЛИМИ

## Темур ва темурийлар

# Соҳибқирон туғилган жой

## Ёхуд Занжирсарой қиссаси

### I. ҚАЙДАСАН, ЗАНЖИРСАРОЙ?

«Ҳазрат соҳибқирон қишни Занжирсаройда ўтказди. Саодат ва иқбол билан Занжирсаройдан жўнади ва зулжалол паноҳида Хоразмга етиб борди..»

«...Ҳазрат соҳибқирон Форс ва Ироқни босиб олиш билан машғул эди. Улар (Тўхтамиш қўшини — муаллифлар) Мовароуннаҳрни (эгасиз билиб) ҳимоясизлигидан фойдаланиб, уни босиб олдилар ва Қозон Султонхоннинг Занжирсарой номи билан машҳур саройини вайрон қилдилар...»

«Зафарпаноҳнинг сипоҳийлари Отил (Волга) дарёсининг музи устидан ўтиб, Сарой шаҳрини олдилар ва унга ўт қўйдилар... Бу Занжирсаройни душман (Тўхтамиш) лашкари вайрону ғорат қилганлиги учун интиқом эди...»

Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сидан.

**Ў**Н ТЎРТИНЧИ АСРНИНГ 40-ЙИЛЛАРИГА КЕЛИБ Чиғатой улуси сиёсий курашлар майдонига айланди. Кебекхон ўлимидан сўнг ҳокимият учун кураш янада кучайди. Бузан, Женкши, Эсун Темур, Али Султон, Муҳаммад Пўлод сингари хонлар бирин-кетин келиб кетади. Тахт Муҳаммаддан Ясавур Ўғлоннинг ўғли Қозонхонга ўтади. Ясавур Ўғлоннинг яна бир ўғли Халил аллақачон дарвешликни ихтиёр қилган, кўпдан бери Термиз сайидлари ҳузурида эди. Халил ҳам охир-оқибатда ҳокимият талашларга бош қўшиб, сайидлардан ажралади-да, мусулмонларнинг мўғулларга қарши жанговар ҳаракатлар қилаётган қисми тарафига ўтади. Халилнинг бу курашда бирон-бир натижага эришганлиги аниқмас.

Халилнинг укаси Қозонхон жангу жадалларда кўзи пишиган эди. У Чиғатой улуси тахтини Муҳаммад Пўлоддан мерос қилиб олгач, вазиятга қараб, улус пойтахтини Қашқа воҳасига кўчириш фойдалироқ деб ўйлайди. Чунки Кебекхон бу жойда қарийб 7—8 йил осуда ҳокимият қилган эди. Бунинг устига, маҳаллий аҳоли билан низолашмаган, дин аҳли билан ҳам чиқишиб кетганди. Қозонхоннинг Чиғатой улуси тахтига чиқиши 1332—1333 йил оралиғида содир бўлган. Бинобарин, айрим муаррихлар унинг Қашқа воҳасига келишини бироз кейинроқ, 40-йиллар нари-берисида деб ҳам қарайдилар. Албатта, бу фикрни жуда ҳам аниқ деб бўлмайди. У ҳар томонлама Кебекхонга тақлид қилган. Чамаси буни академик В. В. Бартольд ҳам пайқаган ва бу ҳақда қуйидагиларни ёзган: «Халилнинг укаси Қозонхон Кебек йўлидан бориб, Қарши теварагида ўзига сарой қурди».

В. Бартольд Қозонхоннинг саройи жойлашган ўрин ҳақида гапирганида асосан икки чизгига алоҳида урғу беради: «Қозонхон ҳам Қарши шаҳридан икки кунлик йўлда, ғарб сарида яқинида яшади. Унинг қасри Занжирсарой бу эди...», «Қозонхон Қарши теварагида ўзига сарой қурди, оралиқ ушбу шаҳардан анча олис (ғарб томонга қараб икки манзил) эди».

Биринчи кўчирма «Туркистон тарихи» асарининг 153-саҳифасидан олинди. Жумланинг ўзида саволбоп маъно бор: Қаршининг яқинида (около) яшаган бўлса-да, оралиқ икки кунлик йўл бўлса? Иккинчи кўчирма ҳам шу жилддаги «Туркистоннинг маданий ҳаёти тарихи» бобидан келтирилди. Ҳар ҳолда, Занжирсаройнинг ўрни ҳақида бу хулосада ҳақиқатга яқинлик бор. Чунки, биринчидан, Занжирсарой Қаршининг теварагида дейилмоқда, иккинчидан оралиқ масофа икки манзил (в 2 переходах) дейилмоқда. Табиийки, «икки кунлик йўл» билан «икки манзил» орасида тафовут жуда катта.

XV аср муаррихи Шарафиддин Али Яздий ҳам бу ҳақда «Занжирсаройки, дар ду манзил Қарши воқеъ аст бажониби ғарбии фармуда», деб ёзган. Бинобарин, В. Бартольд аслида «Зафарнома»даги худди шу «ду манзил» иборасини дастлаб икки кунлик йўл деб тушунган кўринади...

Маълум бўлаётирки, Занжирсарой қасрини Қозонхон қурдирган, бу қароргоҳ Қарши шаҳрининг ғарбида икки манзиллик йўлда жойлашган экан. Афсуски, Занжирсаройнинг таъриф ва тавсифини ҳеч бир жойдан топа олмаймиз. «Зафарнома»да Амир Темурга боғлиқ ҳолда Занжирсарой бир неча бор тилга олинади. Амир Темур Эронга, Хоразмга ва Тўхтамишга қарши отланганида ана шу Занжирсаройда тўхтаб ўтган, ҳатто икки бор қишни шу ерда қишлаган.

**Қ**ОЗОНХОН ПОЙТАХТНИ ҚАШҚА ВОҲАСИГА кўчириб янглишмаган эди, у бир неча йил тахтда мустадом туради. 1341 йилда Занжирсаройда унинг қизи Сарой Мулк Хоним (исми Занжирсаройда туғилганлигига қиёс) дунёга келади. 40-йилларнинг ўрталарига келиб мўғул ҳукмдорлари яна ўзаро қирпичоқ бўладилар. Энди, мўғул хонларига қарши турк амирлари ҳам ошкора ва очиқ жанглар қила бошлайди. Шулардан бири амир Қазоғон эди.

Фасиҳ Хавойи «Мужмал-и Фасиҳий»да Қозонхоннинг амир Қазоғон билан илк тўқнашувини 1345—1346 йил оралиғида деб кўрсатади. Бу жангда Қозонхоннинг қўли баланд келган. Аммо Дараи Зангий деган жойда нохосдан отилган ёй ўқи хоннинг кўзига тегиб, унинг бир кўзини ожиз қилиб қўяди. Фасиҳ Хавофийнинг гувоҳлик беришича, мўғул хони ва турк амири ўртасидаги иккинчи жангда Қазоғоннинг омади чопган. Қозонхон шаҳид этилган. Бу воқеа 1346 йил охирлари, 1347 йилнинг бошларида содир бўлган. **Амир Қазоғон шу билан Мовароуннаҳрда Чиғатой наслининг ҳокимиятига барҳам берган. Хонлар шундан эътиборан номигагина қўйилиб, ҳокимият туркийлар қўлига ўтган эди.** Амир Қазоғон кейинчалик Қозонхоннинг қизи Сарой Мулк Хонимни набираси амир Ҳусайнга олиб беради. У, тахтга Ўқтой авлодидан бўлган Дошмандчи (Донишмандчи)ни хон қилиб кўтаради.

Сарой Мулк Хонимнинг 15—16 ёшларда узатилганлигини тахмин қилсак, унинг оиласи 1356 — 1357 йилларда ҳам Занжирсаройда яшаб турганлигига шубҳа туғилмайди. Занжирсаройнинг кейинги тақдири қандай бўлган? «Зафарнома»да ҳам бу ҳақда изчил ва мунтазам маълумот учрамайди. Фақатгина Тўхтамишнинг Амир Темур мулкларига хуруж қилиб келиши, Бухорони қамал қилиши, уни ололмай, Занжирсаройга ўт қўйиши воқеаларигина йўл-йўлакай айтиб ўтилган. Жумладан, «Зафарнома»да бу ҳақда:

«Чун мухолифон (Тўхтамиш лашкари — **П. Р.**) аз тасхири Бухоро ожиз шуданд, базарурат аз онжо бархостанд ва баҳро ба вилоят Мовароуннаҳр машғул гаштанд ва Занжирсаройро оташ заданд», дейилади.

Занжирсарой пишиқ ғиштдан тикланган бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. «Зафарнома»да Амир Темурнинг сарой ёнида қишлоқ вужудга келтиргани айтилган. Амир Темур 1370 йилда Мовароуннаҳр тахтига чиққан бўлса, 1387 йилга қадар орадан ўн беш йилдан ортиқ вақт ўтган. Бу Занжирсарой атрофининг гавжумлашиб, катта манзил тусини олганлигини фараз қилишга имкон беради.

Ўт қўйилган қаср харобалари узоқ йиллар мунғайиб турган. Йиллар ўтиши билан аҳоли сарой атрофидан нарироқ силжиган. Бора-бора Занжирсарой ҳувиллаган ташландиқ жой бўлиб қолган. Асрлар ўтиши билан Занжирсарой қасри ва шаҳри бўлганлиги ҳам унутилиб борган.

Бутунлай унутилганмикан? Шундай қаср ва манзил бўлганлиги халқ ҳофизасидан наҳотки бутунлай сидирилиб кетган бўлса? Халқ хотирасида Занжирсарой ҳеч бўлмаса элас-элас сақланиб қолмадимикан. Подшоҳлик топшириғи билан келган ва Ўрта Осиёдаги энг майда унсурларга қадар қизиққан академик В. Бартольд нима сабабдандир Занжирсарой ўрнини аниқлаш билан мутлақо қизиқмаган...

**Т**ЎҚСОН БИРИНЧИ ЙИЛНИНГ АЙНИ САРАТОНИ ЭДИ. Бир кун оқшом ушбу бадиа муаллифларининг бирининг уйида телефон чўзиброқ жиринглади. Муборак шаҳридан Қурбон Ҳамроев сим қоқаётган экан. У киши саломаликдан сўнг, ўзини таништирди: туман фахрийлар кенгашининг раиси экан. Сўнг, тарихга қизиқишини айтди. Яқинда Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома»сини ўқиб чиқибди ва унда айрим саволлар туғилибди.

— Бир нарса менга тинчлик бермай қўйди, — деди у, — «Темурнома»да Занжирсарой деган манзил тилга олинган, шу жой қаерда?

Тегишли жавобни айтганимиздан сўнг, у яна «Амир Темур қаерда туғилган?» — деб сўраб қолди. Биз, табиийки, улуғ соҳибқироннинг туғилган жойини Яккабоғнинг Хўжа Илғор қишлоғи дедик. Қурбон ака фикримизга қўшилмади. «Амир Темур Занжирсаройда туғилган. Занжирсарой эса бизда, Муборакда», деди у қатъий.

Занжирсаройни, гапнинг очиғи, манбаларда бир-икки бор учратган бўлсак-да, унга айтарли эътибор қилмагандик. Чунки қасрнинг номи бору ўзи йўқ эди. Баъзи тадқиқотчилар Занжирсарой Самарқандда ёинки унинг атрофида деб гумон ҳам қилганлар.

Қурбон аканинг Занжирсарой Муборак шаҳри ёнида деган гапи бизни ҳам қувонтирди, ҳам саросимага солиб қўйди. Шу вақтга қадар ҳеч ким Занжирсарой ўрни билан қизиқмаган. «Темурнома»ни нашрга тайёрлаш пайтида Занжирсаройга тағин бир-икки бор дуч келдик-да, XIV—XV асрларда Кешдан Бухорога олиб борадиган йўл ҳақида ўйлаб кўрдик. Буни «Темурнома» сўзбошисида ҳам зикр этишга тўғри келди. Ҳозир Бухорога Каттақўрғон йўли орқали ҳам, Қарши томондан ҳам бориш мумкин. Лекин ўша пайтда-чи? Нима бўлганда ҳам, Занжирсарой шу йўллар бўйида бўлган, деган фикр қатъийлаша бошлаганди.

«Темурнома»да очиқдан-очиқ Темур амир Жокунинг қўшида, Занжирсаройда туғилган, 12 ёшгача отасини кўрмаган, деган нақл бор. Қашқадарёнинг Тарағай мавзеъида халқ тўқиган достонларда ҳам шу ривоят машҳур. Ҳали амир Жокуга қайтамиз. Лекин айтиш жоизки, биада Темурнинг болалиги ҳақида, ақалли, саёз тасаввур ҳам йўқ-да. Унинг ҳақида ўқиган ва эшитганларимиз туҳмат ва лаънат бўлган. Ватанпарвар, халоскор, улуғворликда тенги йўқ бу зотни Октябрдан сўнг фақат қора бўёққа чапладик...

Қурбон ака билан хабарлашиб Муборакка борадиган бўлдик. Туман кенгаши раиси хонасида уч-тўрт киши жам бўлиб туришган экан. Шу ерда Занжирсаройга бориш режасини фикрлашдик. Қурбон ака Ҳамроев мулло Йўлдош Эргаш ўғли, мулло Муртазо Раҳмон ўғли, Муҳиддин Каримов, Саидов ва ушбу сатрлар муаллифлари икки «УАЗ» машинасида йўлга тушдик.

Муборак шаҳрининг марказидан чиқиб, кун ботиш томонга қараб йўл олдик. **«Кўҳна шаҳар»** қишлоғини айланиб ўтиб, деҳқончилик қилинадиган пайкалларга етиб келдик. Муборакнинг бийдай далаларига ҳам Амударё суви келган. Жулғунлар ора-тура бўй кўрсатиб турадиган ерларни ғўза қоплаган. Пахта майдонларининг охири кўринмайди. Бир томон жиловланмаган газ ёқиб қўйилган миноралар...

**З**АНЖИРСАРОЙ ЙЎЛИДА ЎТМИШНИНГ ИККИ ОБИДАСИГА тўхтаб ўтдик. Бири Хожа Ростон зиёратгоҳи, иккинчиси Нўширавони Одил қалъаси. Булар ораси бир чақирим келар-келмас. Хожа Ростон зиёратгоҳи атрофи қабристонлик. Қишлоқ аҳолиси бу жойни обод қилиб қўйибди. Нўширавони Одил қалъаси катта жойни эгаллаган. Деворлари айлана эмас, чорпахил. Тўрт томонда тўртта дарвоза бор. Қалъанинг қачон бунёд этилганлигини қазув чоғлари айтиш мумкин бўлар. Ҳали бундай қалъанинг борлигини қадимшунос олимларимиз билишмаса керак. Қум барханлари орасида нор туядек чўкиб ётган Нўширавони Одил қасрига ҳам уларнинг қадами етгани йўқ. Нўширавони Одилни афсонавий одил подшоҳ дейлик. Лекин шу қалъанинг Нўширавонга боғланишининг ўзиёқ унинг эрадан олдинги асрларга оид эканлигидан далолат бермайдими? Қадимги Новтак — Еркўрғоннинг деворлари айлана. Қадимда қалъа деворларини айлана қилиб қуриш одат бўлган. Қарши, Кеш қўрғонлари атрофлари ҳам айлана девор билан ўралган. Нақл этилишича, ҳатто Қаршининг учта айлана девори бўлган. Ҳайратланарли жойи шундаки, Нўширавони Одил қалъаси тўрт бурчак девор билан ўралган. Деворларнинг эни 10—12 газ келади. Ундан кунчиқар тарафга, яъни шимоли шарқ тарафга қараб юрамиз. Тахминан, бир-бир ярим фарсах юрилгандан сўнг, машиналардан тушиб пиёдалаб кетдик. 150—200 қадамдан сўнг чўкиб қолган тепалик олдидан чиқдик. Занжирсарой шу тепалик яқинида бўлган. Майдони қарийб бир танобдан ошиқроқ жойни эгаллаган катта тепа хўжалик механизаторларининг қароргоҳи бўлиб келган. Ишдан чиққан қисмлар, темир-терсак сочилиб ётибди. Замонлар ўтиши (айниқса, сувнинг келиши) билан анча пастлаган тепаликда XIV асрнинг 40-йилларида ҳашаматли қаср бўлганлигини кўз олдимизга келтиришга уринамиз. Занжирсарой қасридан шарқий томонда ярим чақирим оралиқда Балх — Қарши — Бухоро йўли ўтган. Қадим Ипак йўли ҳам шу бўлган.

Қурбон ака Ҳамроев Эшмурод ота Саидовга «бошланг», деб имо қилди. Борди-ю, «Темурнома»даги нақл тўғри бўлса, Занжирсарой атрофида қудуқ бўлиши керак эди.

Эшмурод ота изидан кун ботишга қараб юз-юз эллик қадам йўл босдик. Қудуқ билан қаср ўрни деяётганимиз жой оралиғи унча узоқ эмас экан. Эшмурод ота сув тушганидан чўкиб, доира шакли рўй-рост билиниб, турган чуқурликни «мана шу қудуқ бўлади», деди.

Биз ажабланиб, бир-биримизга қарадик. Миқтидан келган Авезмурод Беккиев гуноҳкордек елка қисди-да, қимтиниб сўзлашга тушди:

— 1979 йили Қарши чўлини ўзлаштириш бош режасига кўра, шу жойларни пахта экиш ва экин-тикин қилиш учун текислаттирганмиз. Ўзим бошида турганман. Ҳақиқатда, шу жойда қудуқ бор эди. У, одатдаги чўл қудуқларидан анча катта эди. Биз ерларни текислаётганда ҳам у ярмига қадар кўмилиб бўлган экан. Кейин устидан тупроқ тортиб юборилди. Ўша йили ғалла экдик. Мен хўжалик фирқа қўмитасининг котиби сифатида ўримга бошчилик қилганман. Бир вақт, ўрим чоғи денг, шу ерга келганда ғилдираги чуқурга тушиб, комбайн оғиб қолса бўладими? Иккита тракторни бир-бирига матаб, зўрға чиқариб олганмиз. Шунда кўрдикки, қудуқнинг ичи ғишт билан қопланган экан.

Авезмуроднинг ҳикоясини эшитиб бўлгач, қудуқни обдан кўздан кечира бошладик. Эшмурод бобо ёшлигида шу ерларда қўй боқиб катта бўлган эмасми, қудуқни болалик пайтида ҳам кўрганлигини, туяда сув тортилган масофа чуқур йўлак бўлиб қолганлигини ҳикоя қилиб берди. Дарвоқе, Занжирсарой харобалари ўрнида ғишту тамал тошлари қолмадимикан?

Шу қишлоқда узоқ вақтлар яшаган, эндиликда Муборак марказига кўчиб ўтган Эгамберди бобонинг айтишига қараганда, тепаликдан 59—60 қадам нарида қасрнинг тамал тошлари ва ғиштлари сақланиб қолган. Ҳақиқатда кўҳна обидаларимиз тамал тошлари шаклига яқин палахса тошлар ҳали ҳам бор. Минг афсуски, тамал тошларининг кўпини ва қаср ғиштларини янги уй қилган кишилар ташиб кетишибди. Бўлмасам, Занжирсарой харобаси аср бошларида ҳам қад ростлаб турган экан.

**З**АНЖИРСАРОЙ... МАНА, СЕН ҚАЕРДА ЭКАНСАН. Шундайгина Муборак шаҳрининг биқинида, нариси билан ўн-ўн икки чақирим масофада жойлашган обидани ҳозирга қадар изсиз йўқолган деб келганимиздан ичимиз ачиди. Занжирсаройга қўл чўзса етадиган қишлоқ ҳозирда «Кўҳна шаҳар» деб аталади. Нега энди «Кўҳна шаҳар»?

Амир Темур Занжирсаройда бир-икки бор қишлаган, ҳарбий юришлар учун шу ерда куч тўплаган, янгидан қишлоқ барпо қилган... Занжирсарой 1387 йилда Тўхтамиш томонидан ёндириб, вайрон этилган. Занжирсарой ва унинг атрофи ана шу босқиндан кейин бўм-бўш бўлиб қолдимикан? Тирик қолган аҳоли уч-тўрт чақирим нарига силжиганмикан?

Кўҳна шаҳар — куйиб кул бўлган Занжирсаройдан хотира сифатида яшаб келаётир, дейиш мумкин. Чунки Кўҳна шаҳарда қадимий работ сақланиб қолганки, бу Занжирсаройнинг чегараси бир вақтлар шу ерларни ҳам ўз бағрига олганлигидан гувоҳ.



Амир Темур лашкарлари муҳорибада

Қурбон ака Ҳамроев Муборакнинг кексаларидан бири, Амир Темурнинг Занжирсаройда туғилганлигини урушдан олдинги йилларда ҳам айтиб юрган Иброҳим отанинг уйига бошлади. Иброҳим ота ҳозир 86 ёшни қоралаган. Жуда ўқимишли, мадрасани ҳатми қутуб қилган. Кулфатли йиллардан омон қолган. Ғариблик қозонини кўп жойда осган. Эшон бобо Занжирсарой ҳақида билганларини ҳикоя қилиб берди. Мен у кишидан, қадимий Бухоро йўли ва йўл бўйидаги манзилларни сўрадим. Иброҳим ота жуда қизиқ бир гапни айтиб қолди. У кишининг гувоҳлик беришича, Занжирсарой Бухорога ҳам, Қаршига ҳам 9 йиғочлик йўл экан. Қарши билан бу жойнинг орасида икки манзил — Косон ва Майманоқ бўлган экан. Шарафиддин Али Яздий Қаршидан Занжирсаройгача икки манзил деганда шу икки қасабани кўзда тутган бўлса керак.

Мўғул хонлари босиб олган мамлакатларда айтарли бир иншоотлар қурмаганлар. Кебекхоннинг Қаршидаги, Қозонхоннинг Занжирсаройдаги қасрлари таг-туги билан емирилган. Зоххоки Морон (Қарши Темирйўл бекати ёнида) ва Занжирсарой тепаликлари фақатгина асрлар ғамини ютиб ётмасдан, XIV асрга доир ноёб сирларни ҳам ўз бағирларида яшириб ётир.

Биз, барибир, Занжирсаройдан саволларга кўмилиб қайтдик. Занжирсарой ўрнининг топилганлиги, (топилган дейиш гуноҳ, ахир, уни муборакликлар ҳамиша билишган) қанчалик қувончли бўлмасин, асосий савол — Амир Темурнинг шу жойда, Занжирсаройда туғилганлиги жавобсиз қолаверди. Кўҳна шаҳар қишлоғининг, шунингдек, Муборакнинг кексалари улуғ соҳибқиронни Занжирсаройда таваллуд топган, деб нақл қилиб келадилар. Асримиз бошларида Хўжа илғорликлар ҳам академик В. Бартольдга Амир Темурнинг ўз қишлоқларида туғилганликларини сўзлаб беришган. Тарихни нақллар ва оғзаки гаплар билан тиклаб бўлармикан? Бу ўринда, яна бир жумбоқ пайдо бўлади: Қашқа воҳасида нега бошқа жойлар Амир Темурнинг туғилган жойига даъвогар эмаслар? Нақлларда, оғиздан-оғизга ўтиб келган хотира, эсдаликларда ҳақиқат уруғи йўқмикан?

Хўш, манбалар-чи? Наҳотки, ўтмишга оид тарихий-бадиий асарларда бу ҳақда бирон-бир ишора бўлмаса? Шу андиша билан имконимиз етганча буюк соҳибқирон ҳақидаги китобларни варақлаб кўрдик. Бу, турган гап жуда кўп вақтни олди. Бунинг устига матбуотда пайдо бўлган айрим фикрларда «Амир Темурнинг туғилган жойини аниқлаб ўтириш майда масала, унга куч сарфлаш ҳожат эмас, каттароқ ишлар билан шуғулланиш лозим», қабилидаги эътирозлар ҳам юзага қалқди. Бироқ бир ўй асло тинчлик бермади. Аввало, биз Амир Темурни эндигина таниётирмиз, қолаверса, ўрта асрларда Қашқадарёнинг сиёсий ва жуғрофий идора қилиниши ҳозирги тушунчалардан тубдан фарқ қилган. Сўнгра, халқ ўртасида Амир Темурнинг туғилган жойи бобида, биз хоҳлаймизми, йўқми, барибир, энг камида, икки хил фикр юради.

Шаҳрисабзликлар Темурнинг Кешда таваллуд топганлигига қатъий ишонсалар, Хўжа илғорликлар уни ўз қишлоқларида дунёга келган, деб таъкидлайдилар. Муборакликлар ҳам шу пайтгача ичларида сақлаб келган дардларини айтмоқда — Занжирсарой улуғ Амирнинг туғилган ва болалиги кечган жой. Инсоф билан айтганда, ҳар учала даъвода ҳам муайян мантиқ бор. Ахир, бир хил қарашлар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган-ку. Ўқувчиларни Амир Темурнинг туғилган жойи масаласидаги ҳар хиллик ажаблантирмаслиги ва қизиқтирмаслиги мумкин эмас. Тарих сирлар хазинасини энди очмоқда. Амир Темур даврига ва умуман, темурийлар салтанатига дахлдор асарлар бир-бир нашр қилинаётир. Билимдон ва ҳушёр ўқувчини бизнинг давримизда нашр этилган китоблар билан ўтмиш муаллифлари айтган фикрлар ўртасидаги тафовутлар ўзига жалб этиши табиий. Шундай экан, улуғ Амир Темурнинг туғилган жойи ҳақида уч хил қараш борлигини билиб-билмасликка олиш масалани илмий ва тарихий ҳал қилишдан атай қочиш бўлади. Ҳозир шу борадаги мавжуд фикр-хулосалар имкон қадар жам қилинса ва уларга муносабат билдирилса, ўйлаймизки, бу аниқ бир илмий ечимга келишда ўзига хос дебоча бўлади.

**Ҳ**АҚИҚАТ БАҲСДА, МУНОЗАРАДА ТУҒИЛАДИ. Айрим рўзномаларда Амир Темурнинг туғилган жойи ҳақидаги ҳар хилликни хаспўшлашга бўлган даъват улуғ соҳибқирон тарихини ҳозиргача бўлиб келганидек сохталаштиришга, сунъий четлаб ўтишга чорловчи заиф нидо, холос.

Биз шу андишалардан келиб чиқиб, қўлга қалам олдик. Бу иш, жилла бўлмаса, миллатимиз отаси, улуғ Амир Темурнинг хоки пойи бўлган, қадами етган жойлар ҳақида йўқлов бўлар. Ахир, Қашқа воҳасининг тузи ҳам, тоғи ҳам унинг табаррук қадамидан баҳраманд бўлган-ку? Қашқа воҳаси Осиё-ю Оврупони мўғул босқинчиларининг бир ярим асрдан зиёд давом этган зулмидан, қуллигидан халос қилган, озод этган улуғ фарзандни етиштиргани билан абадул абад фахрланишга ҳақли. Амир Темур нафақат ўзбекларнинг, балким, бутун Турон заминининг ифтихоридир. Унинг халоскор қўшинида жами туркигўй халқлар, хуросонликлар бўлган. Унинг раҳнамолигида халқлар ғайри дин мажусийлар асоратидан қутулиб, ўз ҳукуматларини тиклаганлар.

**Ш**АҲРИСАБЗНИНГ «ТАРЖИМАИ ҲОЛИ» Суғд давлати тарихи билан узвий боғлиқ. Қашқадарё воҳасида Кеш (Каш, Кешш, Кесс) деб аталган шаҳар эрамизнинг III асри сўнггида ва IV асри бошларида Суғд давлатининг пойтахти бўлган. Суғд (хитойчада — Сули) жуда катта ҳудудни — Сўёбдан (Еттисув) Кешга (Қашқа воҳаси) қадар бўлган жойларни қамраган. Суғд таркибига Зарафшон воҳаси, Уструшана, Қашқа воҳаси ва Тошкент ҳам кирган. Хитой манбаларида Кеш шаҳри Ши деб аталган. Муаррих Низомиддин Шомий бир ўринда «Шаҳрисабзки, туркон «Кеш» мехонанд», дейди. Айрим маълумотларга қараганда, жуда қадимдан Чув (Қозоғистон) дарёси этакларидан то Кешга қадар бир хил ёзув (юқоридан пастга қараб ёзиладиган), бир хил адабий тил амалда бўлган.

Шаҳрисабз шаҳри обидалари тарихини ўрганган олим М. Е. Массоннинг аниқлашига қараганда, қадимги Кешнинг ўрни ҳозирги Китоб шаҳрига яқин жойда бўлган. Шаҳрисабзнинг ҳозирги ўрни, тахминан, мўғуллар истилосидан сўнг, XIII аср биринчи ярмларида вужудга келган, дейиш мумкин. Олдинги Кеш, шубҳасиз мўғул ғалалари томонидан вайрон қилинган.

Улуғ соҳибқироннинг уруғ-аймоғи, ота-боболари юрти Кеш бўлган, буни Амир Темурнинг набиразодаларидан бўлган буюк тарихнавис олим ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам таъкидлаган эди:

**«Яна Кеш вилоятидур, Самарқанднинг жанубидадур, тўққуз йиғоч йўлдур. Самарқанд била Кеш орасида бир тоғ тушубтур, Итмак добони дерлар, сангтарошлиқ қилур тошларни тамом бу тоғдин элтарлар. Баҳорлар саҳроси ва шаҳри ва боми ва томи хўб сабз бўлур учун Шаҳрисабз ҳам дерлар. Темурбекнинг зоду буди Кешдин учун, шаҳр ва пойтахт қилурига кўп саъй ва эҳтиромлар қилди, олий иморатлар Кешта бино қилди».**

Бобурнинг «зоди буди» деган жумласига алоҳида эътибор берайлик. «Буд» форсий тилда борлиқ, мавжуд, деган маънони беради. Бас, бу ўринда у Амир Темурнинг ўтган ва мавжуд (XVI аср) жами авлоди Кешдан эканлигини ихчам ва нозик ифода қила олган. Амир Темур туркий барлос уруғидан эди. Унинг бобокалонлари мўғуллар босқинига қадар Қашқа воҳасида, хусусан, Кеш ва Насафда ҳокимият тепасида бўлиб келганлар. Буни Амир Темур тарихига доир арабий, форсий манбаларни чуқур ўрганган В. Бартольд ҳам айтган. Бироқ академик Г. А. Пугаченкованинг Тарағай баҳодир ҳақидаги «айтарли бой бўлмаган ва унчалик танилмаган», деган фикрларига шубҳа билдиришга тўғри келади.

Амир Темурнинг онаси Тегина Бегим (Тегина Хотун) ҳақида манбаларда жиддий бир маълумот учрамайди. Шунинг учун ҳам, В. В. Бартольд, «манбалар Темурнинг онаси келиб чиқиши ҳақида, шунингдек, Тарағайнинг бошқа хотини Қадоқ Хотун (1389 йилгача ҳаёт бўлган) ҳақида ҳеч нарса демайди», деб ёзган эди. Шуни айтиш керакки, Амир Темурнинг туғилган вақти (ҳижрий 736 йил, 25 шаъбон) ҳамма китобларда — хоҳ тарихий, хоҳ илмий ёки бадиий бўлсин, бир хилда аниқлик билан кўрсатилади. Аммо унинг туғилган жойига келганда фикрлар бир-биридан узоқлашади. Амир Темур ҳаётлигида ёзилган асарларда (улар деярли йўқ ҳисоби) ҳам, унинг вафотидан кейин, Темурийлар даврида битилган тарихларда ҳам бу ҳақда маълумот йўқ ёки умумий тарзда бу жой Кеш деб кўрсатиб ўтилади. Амир Темур вафотидан 105 йил кейин ёзилган (Ҳиротда Шоҳрух Мирзо бу асар билан таниш бўлганми-йўқми, айтиш қийин) «Мужмал-и Фасиҳий»да Шоҳрух саройида ишончли киши бўлган, бир вақтлар Шоҳрух султон номидан Халил Мирзодан хазинани талаб қилган Фасиҳ Хавофий: **«736 йил. Йигирма бешинчи шаъбонда Кешда амир соҳибқирон Амир Темур кўрагон ибн амир Тарағай ибн Барқал ибн Иланғари Ижил ибн Қорачор нўён ибн Суку Сижон ибн Ирумхихон ибн Қожулай қўён ибн Туманойхон ибн Бойсунғурхон ибн Қайдухон ибн Дутам ибн Манон ибн Бўка ибн Буданжир ибн Алан Тава хотуннинг «туғилиши»** деб айтиб ўтади. Фасиҳ Хавойи Амир Темурнинг туғилган жойи Кеш эканлигини шу тариқа биринчилардан бўлиб қайд этади.

**А**КАДЕМИК В. БАРТОЛЬД БУЮК СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУРГА баҳо беришда ҳамиша ҳам холис ва ҳақ бўлмаган муаррих ибн Арабшоҳга таяниб, «Улуғбек ва унинг даври» асарида қуйидагиларни ёзади: «Темур, Ибн Арабшоҳ сўзига қараганда, Кеш атрофидаги Хўжа Илғор қишлоғида туғилган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, Тарағай шаҳарнинг ўзида яшамаган».

В. Бартольднинг «Улуғбек ва унинг даври» асари 1918 йилда нашр этилган. Бунгача илмий китобларда Амир Темурнинг туғилган жойи ҳақида гап кетганда Хўжа Илғор қишлоғи тилга олинмаган эди. Ҳатто «Зафарнома»да ҳам бу қишлоқнинг номи мутлақо учрамайдики, бу Ибн Арабшоҳнинг даъвосига эҳтиётроқ бўлиб қарашга ундайди. Маълумки, Ибн Арабшоҳ асари ҳам, Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»си ҳам деярли бир вақтда — 1437 йилда ёзиб тугалланган. Ибн Арабшоҳнинг «Ажоиб ал-мақдир фи ахбори Таймур» («Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари») асари Дамашқда 1389 йилда туғилган, 1401 йилда ўн икки ёшида Самарқандга асир сифатида олиб келинган кишининг таассуротлари тариқасида ёзилган. Унда илмийлик ва тарихийликдан кўра, нақл ва ривоят, эшитишларга асосланиш таъсири кучли. Буни қуйидаги мисолда ҳам кўриш мумкин. Ибн Арабшоҳ Кеш шаҳрига таъриф бериб, ёзади: «Кеш Мовароуннаҳр шаҳарларидан бири бўлиб, Самарқанддан тахминан ўн уч фарсах масофададир» («Ёшлик», 1990 йил, 9-сон, 69-бет).

Ана энди Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Кеш ҳақида ёзганларини кўздан кечирайлик: **«Яна Кеш вилоятидур, Самарқанднинг жанубидадур, тўққуз йиғоч йўлдур. Самарқанд била Кеш орасида бир тоғ тушубтур...»** («Бобурнома», Т., 1960, 108-бет).

Қаранг, Ибн Арабшоҳ Кешни Самарқандга нисбат қилганда, унинг қайси томонида жойлашгани ҳақида сўзламаган, шунингдек, оралиқ масофа бобида ҳам қаттиқ янглишган. Бу унинг Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳақида умумий тасаввурга эга эканлигини кўрсатади, холос. Ибн Арабшоҳ «Темур ибн Тарағай ибн Абағай(?) бўлиб, унинг туғилган жойи Хўжа Илғор деб аталадиган қишлоқдир», деганида ҳам эшитмаларга асосланганлиги маълум бўлиб турибди. Нега деганда, Амир Темурнинг шажарасида Абағай исмли киши зикр этилмайди. Қолаверса, Ибн Арабшоҳ Темурнинг туғилиши ҳақида ҳикоя қилганида, бошқа бировга оид нақлни, аниқроғи, Чингизхон туғилиши билан боғлиқ ривоятни Амир Темурга ёпиштиришга муваффақ бўлган: «Ҳикоя қиладиларки, Темур туғилган кечаси ҳавода қандайдир учиб юрган темир қалпоқчага ўхшаш бир нарса пайдо бўлган. Кейин у кенг бўшлиққа тарқалиб, ер юзига ёйилиб кетган эмиш. Ундаги чўғ ва учқунга ўхшаш нарсалар ҳар томонга сачраган ва уйилиб, ҳатто ўтроқ ва бадавий жойларни ҳам тўлдириб юборган эмиш. Яна айтишларича, Темур туғилганда унинг қўллари янги қонга буланган экан. Бу аҳвол тафсири фолбинлар ва азайимхонлардан, каромат кўрсатувчи жодугару коҳинлардан сўралганда, улардан баъзилари: «у шўрта бўлади», бошқалари «у ўғри ва йўлтўсар бўлиб улғаяди» деса, яна бир гуруҳи «йўқ, у қассоб ва қонхўр бўлади», дебди, яна бир хиллари эса «йўқ, ундан жаллод ва каллакесар чиқади» дебдилар», («Ёшлик», 1990 йил, 9-сон, 69-бет).

Тарихий асарлар туғилганда қон тутамлаш нақлини Чингизхонга раво кўрадилар. Ибн Арабшоҳ Мовароуннаҳрда машҳур бўлган мазкур ривоятни кейинчалик ўзи кек сақлагани Амир Темурга нисбатан тортинмай ишлатган кўринади. Шундай бўлгандан сўнг, Амир Темурнинг Хўжа Илғорда туғилганлиги ҳақидаги даъвони ҳам асосли деб бўладими?

«Зафарнома» аксинча, Шоҳрух Мирзо, унинг ўғли, олимлар, муаррихлар ҳомийси Бойсунқор Мирзолар томонидан неча бор синчиклаб ўқилган, муаллиф нафақат моддий, шу билан бирга, ҳужжат ва далиллар билан ҳам таъминлаб турилган. Лекин «Зафарнома»да Амир Темурнинг Хўжа Илғорда туғилганлигини айтиш у ёқда турсин, шундай ном ёки жой мутлақо тилга олинган эмас.

Шунинг учун бўлса керак, академик В. Бартольднинг ўзи ҳам Амир Темурнинг Хўжа Илғорда туғилганлиги ҳақидаги фикрга изоҳ беришни лозим топган: «Темур туғилган жой бошқа бирон-бир манбада кўрсатилмайди. Хўжа Илғор қишлоғи номи, менинг билишимча, адабиётда ҳам учрамайди».

**Х**ЎЖА ИЛҒОР ҚИШЛОҒИ ШАҲРИСАБЗДАН 13—14 ЧАҚИРИМ жануби ғарброқда жойлашган бўлиб, ҳозирги вақтда Яккабоғ тумани таркибига киради. Шаҳрисабз тарихига доир тадқиқотларда далолат этилганидек, Кешнинг олдинги ўрни Китоб шаҳри яқинида бўлган. Шундай экан, энг камида, мўғуллар яғмосига қадар Тарағай авлоди Кешнинг жануби ғарбида эмас, шарқий қисмида манзил тутган бўлур эди. XIII—XIV асрларда, мўғуллар яғмосидан кейин Кешнинг янги ўрни ҳозирги жойига силжиган бўлса, табиийки, у вақтда (ундан кейинлар ҳам) Кеш ўзидан 13—14 чақирим наридаги манзилларни қамраб оладиган шаҳар даражасига етмаган эди. Демак, Хўжа Илғорни Кеш деб тушуниш тўғри эмас.

Шарафиддин Али Яздийнинг кўрсатишича, Амир Темурнинг хоҳиши билан туркигўй шуаронинг шеърлари жамъ этилган. Ана шу «Манзумот туркий»да айтилишича, туркий тилда битилган тарихдан у ўз ёшлигига доир воқеаларни чиқариб ташлатган. Амир Темурнинг болалик ва ўсмирлик даврида қилган ишлари ғаройиб бўлиб, унга ўқувчилар ишонмайди, деб ҳисоблаган соҳибқироннинг ўзи. Ана шу жойга келганда академик В. Бартольд Амир Темурга нисбатан тутган нохолислигини жиловлай олмай қолади: «Подобно Чингиз-Хану, Тимур начал свою деятелность в качестве атамана шайки разбойников, вероятно, в смутны годы после смерти Казагана».

В. Бартольднинг мўғул босқинчиларининг ёвузликларини камайтириб кўрсатишга бўлган уринишларини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Дарвоқе, унинг «Асарлар»и 1-жилдини нашрга тайёрлаган таниқли олим И. П. Петрушевский бу иллатни сезиб, 1963 йили шундай қарорга келган эди: **«Албатта, ҳозирги вақтда биз «Туркистон» муаллифининг ҳамма хулосаларига ризо бўлолмаймиз. Хусусан, В. Бартольднинг «Туркистон» ва бошқа ишларида мўғуллар истилосига берган умумий баҳосини, шу баҳо билан боғлиқ ҳолдаги хулосаларини қабул қила олмаймиз... В. Бартольд мўғул босқини туфайли вужудга келган улкан талончилик, иқтисодий ва маданий таназзул аҳамиятини камайтириб юборган».**

И. П. Петрушевский «Тотор-мўғуллар Осиё ва Европада» (1970) деган тўпламга кирган «1219—1224 йилларда мўғул қўшинларининг Ўрта Осиёга юриши ва унинг оқибатлари» сарлавҳали салмоқли ишида олдинги фикрларини янада илмий далиллаш йўлидан бориб, қуйидаги хулосаларга келади: «В. В. Бартольд ҳам Чингизхон шахсинигина эмас, унинг салтанати ва босқини оқибатларини идеаллаштиришдан четда эмас. В. В. Бартольд Чингиз ва чингизийлар босқини оқибатида рўй берган иқтисодий, маданий таназзул доирасини етарли баҳолай олмади. Шунинг учун, В. В. Бартольднинг ишлари, «Туркистон мўғуллар босқини оқибатлари ҳақидаги қарашлари қабул қилиниши мумкин эмас».

Муаллиф бошқа бир ўринда эса 1222 йилда Самарқандда бўлган Хитой сайёҳи Чан-Чуннинг ушбу гапларини келтиради: **«Китайский путешественник Чан-Чунь (1222 г.) отмечал опустошение и голод в Средней Азии. В Самарканде оставалась только четверть прежнего населения, окрестные крестьяне голодали, а из разорённых крестьян образовались «шайки разбойников», т. е. партизанские отряды, и в Самарканде каждую ночь видно было зарево пожаров».** «Татаро-монголы в Азии и Европе». М., 1970, 124-бет).

Мана гап қаерда? «Қароқчилар тўдаси» —партизанлар ёинки қасоскорлар ҳали Амир Темур туғилмасдан олдин мўғулларнинг ўта ёвузлиги оқибатида вужудга келган эди. Энди, бу «қароқчилар» ким учун қароқчи, ким учун фидоий, бу тамомила бошқа гап. Ўтмишдаги ватанпарвар қасоскорларни «қароқчилар» деб лаънатлаш, шубҳасиз, Ўктабрдан сўнг қўлга қурол олиб Шўро ҳокимиятига қарши курашганларни «босмачилар» деб аташ учун илк тайёргарлик вазифасини ўтаган бўлса, не ажаб?!

Поён РАВШАН, Жума ҚУРБОН

